Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

14 сон

3 — 9 апрел 2003 йил

ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕҒАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

ОТА-ОНА БАҒРИДА ЯШАШГА НЕ ЕТСИН

Муаттархон аянинг дунёга келиб орттирган бойлиги, хазинаси олти ўғил, олти келин, улардан дунёга келган йигирма набираси... Ҳар бир оиланинг ўз интилишлари, турмуш тарзи бор... Эр-хотин ўғилларини бирин-сирин уйрўзғорини бўлак қилиб, полапон қушлардек учирма қила бошлашди. Ана шундан буён фарзандлар ҳар чоршанба ота-она ҳовлисида тўпланишни одатга айлантиришди. Бу борадаги хуш, нохуш гап-сўзлар ҳар чоршанба ўртага тушади. Ҳар чоршанба фарзандлар ота-оналар ўгитини тинглайдилар...

Муаттар ая эртанги учрашув маслаҳат ошига айланиб кетишини сезиб турибди. Наинки, набирасини унашиб қўйишибди. Эрта-индин тўй... Айтгандек, овсинлар қуданикига юборишга мен нима пишириб берай, мен нима қилай, дея чуғур-чуғур қилишиб тоғора бўлиша кетишди.

- Тоғорага ҳирс қўйманглар! Юртдан оширманглар, - дея Мирпўлат ота ўрнидан турди.

- Вой, одамлар нима дейишади?! - деб юборди келинлардан бири.

- Тўй-маъракаларни қандай ўтказиш ҳар бир оиланинг ўз иши. Ўзини, давлатини кўз-кўз қиладиган кишилар бизнинг хонадонга ўлчов бўла олмайди. Кўпчиликни ташкил қиладиган оддий, камсухан одамларга бўй ўлчанг,- деди Хожи ота. - Биз қизимизга тўғри тарбия беришга, одобли, билимли қилишга ҳаракат қилдик. Қизимизнинг зеби-зийнати, бойлиги ўзи билан,- гапида давом этди у. -Бахтини сўранглар, тахтини тиланглар...

Мирпўлат ота хонадонида бўлаётган ҳамма ишларга, айниқса, болалар тарбиясига ўзини масъул деб тушунади. Муаттар ая бу масалада бир қизиқ воқеани ҳикоя қилади:

- Бир куни фарзандларимнинг отаси мени ва ўғилларимни ҳузурларига чақириб қолдилар. Ўшанда ўғилларимнинг ёши каттароқлари тўрт-беш йилдан буён ишлаётган, кейингилари энди ўқишни битириб, ишга жойлашган пайтлар эди. Бирдан ота оғзини катта очиб олдин бир бармоғини, кейин эса иккинчи бармоғини тикди-да ўғилларига қаради, гапида давом этди она. Бу билан ота нима демоқчи эканини тушунолмай ҳайрон бўлиб қараб турардик.

- Ишда ҳам, пул топишда ҳам, мол йиғишда ҳам, еб-ичишда ҳам меъёрни билинг. Мен беш бармоғини оғзига тиқиб олиб сўнгра унинг жазосини тортганларни кўп кўрганман. Қай бирингиз мабодо шу йўлга кирсангиз билиб қўйинг-ки, сизни йўқлаб бормайман... - деди ота фарзандларига қараб.

Мирпўлат ота билан бир ёстиққа бош қўйганларига иншооллоҳ эллик йил бўлади. Эллик йилдан буён сиз оғизлари санга бормади. Муаттар аянинг эсидан чиқмайди, никоҳ туйи ўтганига ўн саккиз кун деганда қайнонаси Солиҳа ая унга дон-дун турадиган омборхонани кўрсатди. Ошхона анжомлари билан таништирди. Ўша кундан эътиборан уйрўзғор юмушлари, қозон-товоқни ўз зиммасига олди. Қайнотасининг дўст-биродарлари кўп эди. Фарғона, Сурхондарё, ҳатто Қозоғистондан ҳам келиб, ҳафталаб меҳмон бўлиб кетадиганлар ҳам бор эди. Қайнона-қайнотаси ўғлимиз ёлғиз деб аяшмасди.

- Кечагина келин эдингиз, бугун эса қайнонасиз. Айтинг-чи, қайнона бўлиш осонми?

- Торга тор дунё, кенгга кенг дунё дейишган қадимгилар. Менимча, қайнонага ҳам, келинга ҳам кенглик керак. Мен қайнонамдан фақат яхшилик кўрганман. Шунинг учунми, келинларимга мен ҳам меҳр бергим келади. Шунча йил умр кўриб, шунча келин, қуда-анда қилиб бир нарсани тушундимки, келинига болам деб қучоқ очган қайнонага келин ҳам онам деб бағрига отилар экан.

- Келинларингизни ким танлаган? Ўзингизми ёки ўғилларингизми? - деб сўрайман.

- Олтита келинимнинг ҳаммасини ҳам ўғилларимнинг отаси тавсиялари билан олганмиз, - дея жилмаяди хожи она. - Эрим юрт кўрган одам. Ошнаоғайни, дўсту биродар, қариндош-уруғдан худо берган, - гапида давом этади у. Шундан бўлса керак, билган, синашта бўлган танишларининг уйига совчиликка мени опаларига қўшиб жўнатар эдилар.

Ҳожи ота оила шажарасига даҳлдор бўлган альбомлардан ўн саккизинчисини танлаб олиб, дастлабки саҳифасини очди. Унда катта оиланинг икки фариштаси - бири ойу, бири қуёши бўлмиш ота билан онанинг ёнма-ён тушган суратлари ёпиштириб қўйилибди. Кейин уларнинг фарзандлар, набиралар, аваралар, меҳмонлар ҳузуридаги завқли дақиқалари акс этган фото-лавҳалар.

- Ўғилларимиз "Олтин тўйи"-мизни катта қилиб ўтказишга, бу тўйга оталарининг етмиш ёшликларини қўшиб, юртга ош беришга аҳд қилишган эди, - дейди ҳожи она. Ота бунга сира унамадилар. Бу маросимни оиламиз, қариндош-уруғлар даврасидагина ўтказишга рухсат бердилар. Болаларим отасининг бир гапини сира икки қилишмаган.

- Муаттархон, ниҳоятда самимий, беғубор, ишонувчан ва қўли очиқ аёл,- дейди Мирпўлат ота. - У барчага баробар. Менинг иккита опамни ўз опасингилларидек яхши кўриб, ҳурмат-иззатларини ўрнига қўяди. Бизнинг қариндош-уруғлар орасида аёлимга тахассуб қилиб қизларига унинг исмини қўйганлар ҳам бор. Бу билан мен фахрланаман...

Шундай ҳадис ўқиганим бор: "Дунё" манфаатдир (яъни дунёдаги ҳар бир нарсанинг бир нафи бордир) ва дунёнинг энг яхши манфаати (неъмати) бу яхшилик қиладиган ва солиҳа аёлдир".

Муаттархон ая қиёфасида ана шундай солиҳа ўзбек оналари тимсолини кўраман.

Дилбар МАҲМУДОВА

"УМИДА"НИНГ ЁРҚИН УМИДЛАРИ

Хотин-қизлар ҳаётидан

Навоий вилояти "Умида" хотин-қизлар маркази ВИНРОК интернэшнлнинг хотин-қизлар интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги лойиҳаси асосида ташкил топган бўлиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида фаолият кўрсатади.

"Умида" хотин-қизлар марказига Гулчехра Норқулова раҳбарлик қилаётган бўлса, Кармана тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Матлуба Адизова эса унга доимий ҳамкоридир. Улар вилоятнинг турли-туман шаҳарларида, корхона ва ташкилотларда бўлишиб, "Гендер муаммолари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш" мавзуларида семинар-тренинглар ўтказиб, вилоят телерадиокомпанияси орқали қизиқарли мулоқот, давра суҳбатларини ташкил этмоқдалар. Айниқса, кризис ҳолатларига тушиб қолган аёл ва ўсмирлар билан юзма-юз мулоқот орқали руҳий, юридик, тиббий маслаҳатлар бериш намунали йўлга қўйилган. Ана шу мақсадни амалга оширишда Санъат коллежи ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган "Армонли дунё" грантспектакли (Сценарий муаллифи: У. Мусаев, режиссёр: Т. Рўзметова) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, Навоий тумани автомобил йўллар бошқармасида "Умида" ННТ томонидан "Омадли мулоқот ва Гендер тушунчаси" мавзусида семинар-тренингда ўтказилди. Тренерлар Гулчехра Норқулова ва Матлуба Адизовалар: "Бу дунёда мен кимман?", "Уйдаги бир кунлик фотосурат", "Тенгликка қандай эришилади?", "Сир сақлаш", "Гендер сезгирлиги", "Энг қувонган куним" каби бир қанча мавзуларда мулоқот ва суҳбатлар уюштиришди.

Ҳа, келажакда "Умида" нинг умидлари кўп. Улар вилоятимиз хотин-қизлари учун энг яқин дилдош, қўмақдош бўлиш ниятида.

Дилбар РАЗЗОҚОВА

Навоий шаҳри

МАШАҚҚАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ

Яхшилардан сўз очдик

Бухоро вилояти, Қоровулбозор кўрғонига жойлашган Шокиржон Қосимов раҳбарлик қилаётган нефт ва газ қидирув экспедициясига ташриф буюрдим.

- Бизнинг ишимиз машаққатли, аммо шарафли,- дейди меҳнатга ҳақ тўлаш муҳандиси Исмоил ака Раҳмонов. - Бу ерда фақат фидоий инсонларгина меҳнат қилишади. Одамларнинг моддий аҳволини яхшилаш, соғликларини назорат қилиб бориш доимий диққат марказимизда. Гапларим исботсиз бўлмаслиги учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтмоқчиман. Ўтган 2002 йил ишчи-хизматчилар соғликларини яхшилаш учун 9 миллион 603 минг сўм, уларнинг фарзандларига ўқув қуроллари сотиб олиш учун 4 миллион 625 минг сўм сарфлаган бўлсак, кийим-кечак, қўшимча озиқ-овқат учун 4 миллион 314 минг сўм миқдорида пул маблағлари сарфладик. Ушбу йилда ишчи-хизматчиларга яна қулайликлар яратиш ҳаракатида турибмиз...

Дарвоқе, бу рақамларни айтиш осон. Аммо ана ўша маблағлар ортида неча-неча кишиларнинг заҳматли меҳнатлари, қолаверса тадбиркорлик, раҳбарлик маъсулияти турибди. Ушбу корхонада ўз сўзи, меҳнатлари билан жамоа ва оиласи ўртасида обрў-эътибор топаётган кишилар талайгина. Биз улар тимсолида Исмоил ака ҳақида икки оғиз гапириб ўтдик, холос. Насиб қилса ҳали яхшиларнинг яхши ишлари ҳақида кўп ва хўп гапирамиз.

Исоқ САТТОРОВ

СОҒЛОМ АВЛОД ҒУНЧАЛАРИ

Ахборот

Куни кеча Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбекистон Давлат драма театрида "Соғлом авлод учун" ҳайрия жамғармаси қошида очилган "Соғлом авлод ғунчалари" театр студияси томонидан саҳналаштирилган "Барбод бўлган умрлар" номли спектакл премьераси бўлиб ўтди. Спектаклдан асл мақсад бугунги кунда кўпчилик ёшларни ўз домига тортиб бораётган гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик ва ОИТС каби иллатларга қарши курашдан иборатдир. Гиёҳвандлик оқибатида умри хазонга айланган айрим ёшларнинг тақдирлари намойиш этилди. Айниқса, гиёҳвандликнинг охирги манзили фожеа билан тугаши, ОИТС оқибатида баъзи бир ёшлар умрларини саробга айлантирганликлари ҳақидаги кўринги кўпчиликни бефарқ қолдирмади. Ушбу спектакл фоҳишабозлик, ичкиликбозлик орқасидан ўз ҳаётига нуқта қўйиб бораётган кимсаларнинг ҳаётига бефарқ бўлмасликка чақиради. Абдусалим Қорабоев режиссерлик қилган бу спектакл томошабинларда катта таассурот қолдирди.

ЛАТОФАТ

Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

КИТОБ ЎҚИ — ЯХШИ ОДАМ БЎЛАСАН...

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига олтмиш йилдан ошдиямки, ҳамон худди кечагидай, йўқ-йўқ айнан шу бугун бўлиб ўтгандай хотирамда муҳрланиб қолган.

Мактаб ўқувчиларининг таътил кунлари бошланиб вақтим уззу кун набиралар даврасида ўтаётир. Тўртинчи синфда ўқийдиган набирам Мунисхон укаси-биринчи синф ўқувчиси Жамшидхонни ёнига олиб, кирилл ҳарфини ўргатаяпти. "Бу алифбони ўргансанг, рус тили дарси кирганда сира қийналмайсан. Қара, уйда қанча китоб бор. Буларни ким ўқийди?"-деб менинг унинг ўзига айтган сўзларимни такрорлайди ва бирдан қўлига қаламини чангаллаб ушлаган кўйи микрофон қилиб мендан интервью олмоққа чоғланади.

- Қани айтинг-чи, бувижоним, Сиз энг аввал қайси ёзувчининг китобини ўқигансиз? - деб сўрайди жиддий тус олиб.

- Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" китоби...

Ҳали сўзим охирламай иккала набирам чапак чалиб юборади:

- Ҳа, биламиз, биламиз - киносини кўрганмиз. - Сиз ҳам болалигингизда киносини телевизорда кўрганмисиз?

- Телевизор қайда у вақтларда! Уйимизда электр чироқ ҳам бўлмаган...

- Вой, шунақа ҳам бўларканми... - опа-ука ҳайронликда чуғиллашиб кетишади. Менинг хаёлимда эса шоир Ғафур Ғулом билан илк учрашув кинотасмасидай ўта бошлайди.

Ўшанда камина - ўн яшар қизалоқ эски шаҳардан "узоқ сафарга" - янги шаҳарга "Ўзкитоб" қайдасан, дея трамвайда Хадрадан собиқ Пионерлар саройи бекатигача борганман. У ерда собиқ Самарқанд ва Карл Маркс кўчалари кесишган ерда кўчани кесиб ўтиб, китоб магазини тарафига - "Хива" кинотеатри томонга чопқиллаб кета туриб бирданига тақа-тақ тўхтаб қолдим. Не кўз билан кўрсамки қаршимдан мен тарафга шоир Ғафур Ғулом - хипчагина бўлиб, илдам юриб келаётибдилар. Кўзойнакларидан таниб қолган эдим.

Ўшанда шоирнинг янги чиққан "Шум бола" ҳикояси таъсиридаги юрган чоғларимиз. Китобни ўқиб бўлгач, давоми ёзилишини интиқ кутамиз. Танидиму югуриб бориб оёқларидан қучиб олдим-да, пастдан юқорига қараб - кўзойнакларини томоша қилганча бидирлаб кетдим...

Ғафур ака чўккаладилар, мен билан баробар бўлдилар-да, кўзимга тикилганча:

- Ҳа, қизалоқ, бунча бидиллайсан, нима дединг - англамадим, - дедилар.

- Шум бола... шум бола энди нима бўлади? Уни яна уришадими? Давомини қачон ёзасиз? - дея бидирлаб кетдим...

Отахон шоир Ғафур Ғулом билан илк учрашувим эди бу. Ғафур ака патала бўлиб кетган сочимни силаб туриб мени саволга тутдилар. Кимман, ёлғиз нима қилиб юрибман - обдан суриштирдилар ва Хадрадан келаётганимни, китоб дўконига - "Ўзкитоб"га кетаётганимни эшитиб кўзлари чақнаб кетди.

- "Ўзкитоб"да нима қиласан?

- Китоб оламан. "Шум бола"нинг давоми чиқдимикан деб келаётувдим. Мана, пулим ҳам бор, - дея муштумимни ёзиб беш сўм пулимни кўрсатдим.

- Ким берди? Даданг яхши кўрарканлар-а?

- Дадам йўқлар. Ойим мактабга деб берган пулларини йиғиб юрувдим...

- Китобни яхши кўрасанми? - сўрадилар.

Мен бош ирғадим.

- Боракалло! Яхши, жуда яхши. Китоб энг садоқатли дўст. Китоб ўқи - яхши одам бўласан... - дедилар-да, яна бир бор бошимни силаб, елкамга қоқиб хайрлашдилар.

Ўшандан буёғига ярим асрдан ортиқ вақт ўтди. Бу йиллар ичида Ғафур оға озмунча асар яратдиларми... Уларни санаб адоғига етиш қийин - жуда қийин. Мен улардан баъзиларини - ҳамон ёдимда қолганларини эслаб ўтаман. Бу шеърлар биз - ўттизинчи йилларнинг ёшлари яшаб ўтган даврда юрт бошига тушган мусибатлар ва халқимизнинг азоб-уқубатлардан фориғ бўлиш учун бўлган интилиши ва яхши кунларга эришиши ҳақида. Шоир Ғафур Ғулом бу шеърларни қалбининг қўри тафтида, юраги ёниб, ўзи жўшиб кўтаринки ҳамда мутафаккирона руҳда битган. Унинг шеърлари қалбларга кириб бориб, унга жо бўлган - қалблар эса уларни ўзиники қилиб олган.

Ғафур Ғулом асарларида сўз алоҳида ўрин эгаллайди. Сўз шоир қаламидан гувиллаб тўкилади. Ўқиганинг сайин насрий асар ҳам дилингга шеърдай қуйилади ва ёд бўлади-кетади. Ўша ўн ёшимда ўқиганим "Шум бола"нинг илк сатрлари ҳалиҳануз ёдимда: "Бу фалокатли ишни Йўлдош шилқим бошлади. Маҳалланинг бир тўда болалари Лайлак мачитнинг жиловхонасида ошиқ ўйнамоқда эдик.

- Болалар, кимда ошиқлар - менда дея қичқирмоқда эдим. Орага — Йўлдош шилқим суқулдию, ишнинг пачавасини чиқарди.

- Болалар, ҳалфана ўйнаймизми?

- Бўпти...

- Қаерда?

- Ризқи халфанинг кўчиб кетган ҳовлисида...

- Бўпти.

Халфага палов қилмоқчи бўлдик..."

Воқеа шундай бошланиб, шундай давом этадики. Хиёл диққат қилсанг, бошдан-оёқ ёд бўлади кетади дейсан. - Ғафурона, яна Ғафурона битилган... Шу-шу Ғафур-Ғулом асарига ошифталик бутун умрлик бўлди. Ғафур оғамиз шу даражада сермаҳсул эдиларки, шеъриятга кириб келган илк йилларидан бу ёғига чоп этган асарларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Мен бу сиймони таниганимга қадар чоп этилган асарларидан ташқари яна қанчадан-қанча шеърлар, поэмалар битдилар: "Сен етим эмассан", "Кузатиш", "Соғиниш", "Биз енгамиз", "Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак", "Эрта бугундан яхши", "Ассалом", "Тун билан тонг" каби файласуфона ёзилган шеърлар билан ўз ижодларига яна ҳам ром этдилар.

Ғафур Ғуломнинг Бешёғоч даҳасининг Арпапоя кўчасидаги 1-рақамли хонадонлари эшиги тонготарда очилганча тун ярмига қадар ёпилмаган. Устоз этагини тутган ихлосмандлардан тортиб казо-казо олиму фузалоларга соя тортиб келишгани-келишган эди. Мен ҳам "Саодат" журнали таҳририяти номидан кўп марта борганман. Ғафур Ғуломнинг умрли ёри, садоқатли йўлдоши, олти фарзандининг онаси суюкли, янгапошшамиз Муҳаррамхон аямизнинг ҳаётий тажрибаларидан андоза олганмиз.

Устоз Ғафур Ғуломнинг хонадонларига менинг ҳамкасбларим - республика газета ва журналларининг ходимлари турнақатор боришарди десам лофи йўқ. Зеро, ҳаммамиз ҳам шоирдан ҳаёт инсон олдига қўйган турли муаммолар олдида ўзини йўқотиб қўймасликка даъват этгучи ва дардларга малҳам бўлгучи йўриқларини газетхон ва журналхонларга етказишни истардик. Отахон адибимиз, суюкли шоиримиз Ғафур оға ёзиб берган шеър ёки мақола ҳар бир нашрнинг ёруғ юзи саналар, журналхон ёки газетхон дилини мунаввар этувчи дурдоналар эди. Ҳа, шундай.

Академик шоир, ажойиб инсон ва ота Ғафур Ғулом ижодини баҳорий ёғинлар билан тўйиниб, айқириб оққан дарёга қиёс қиладилар. Бу дунёдан озмунча ҳавасманд ёшлар бахраманд бўлди, бахраманд бўлаётир ва бахраманд бўлажак...

Шоир билан бўлган ўша оний учрашув бутун ҳаёт йўлимни белгилаган бўлса не ажаб!

"Китоб ўқи - яхши одам бўласан!"

Шоирнинг бу даъвати ҳаётим мазмунига айланиб дилимда ва тилимда қолган. Эндиликда мен ҳам ёшларга тез-тез айтиб тураман бу сўзни. Ҳа, шундай. Китоб ўқинглар, болаларим - яхши одам бўласизлар.

Холида АҲРОРОВА
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ОНАЖОНИМ ЭНГ ЯҚИН СИРДОШИМ

Ота-онамдан олган сабоқларим

Ҳар йили 14 майда уйимиз, тўғрироғи онамларнинг уйлари меҳмонларга тўлиб кетади. Чунки шу куни ойижонимнинг таваллуд топган кунлари. Онажонимнинг ўқувчилари гулдасталар кўтариб севимли устозларини табриклагани келишади. Уларнинг кўпчилиги ҳаттоки неваралик ҳам бўлишган. Ойижоним Хури опа Алимхўжаева 34 йилдан ошикроқ физика-астрономия фанидан дарс бердилар. Улар оддий ўқитувчи, кейин илмий мудир бўлиб ишладилар. Бу йиллар мобайнида нафақат илмдан сабоқ бердилар, балки ўқувчиларнинг яқин дўстига, сирдошига айландилар. Ўқувчилари ҳаттоки оилавий муаммоларини ҳам онамдан сир тутишмасди. Ҳар баҳорда ойижоним ўқувчиларини тоққа, лола сайлига олиб чиқар эдилар. Адажоним ўзлари бош-қош бўлардилар. Биз тоққа чиқиб кетар эдик, ойимлар эса қозон осиб овқат қилишни бошлаб юборарди. Мактабда бадиий кечалар уюштирар, ўқувчилар билан бирга спектакллар саҳналаштирар эдилар. Мен кўпинча улар билан бирга театрларга борар эдим. Балким шундан адабиётга, санъатга қизиқишим бошлангандир. Балким шунинг учун ўқувчилар қалбидан чуқур жой олгандирлар.

Бир куни фарзандим гапимга кирмагани учун юзига шапалоқ тортиб юбордим. Ойим буни кўриб мендан қаттиқ ранжидилар ва "сенларни бирон маротаба урганимни, ё чертганимни эслайсанми, агар болани уриб тарбиялайман десанг хато қиласан, озгина юракни кенг қилиб меҳр бериб тарбиялаш керак", - дея дашном бердилар. Ўша кенг юрак бизларда негадир етишмайди. Ойим мактабда болалар билан, уйда биз билан (мен, акам ва синглим) шуғулланишга эринмасдилар. У пайтда ҳозиргидек шароит қайда. Уйимизнинг қурилиши ҳам чала, газ йўқ, кўмирли печка ёқилар эди. Қишга яқин бир-икки машина кўмир туширилар, биз кичкинамиз, ойижоним бир ўзлари кўмирларни ертўлага ташир эдилар. Печкага кўмир ёқиш, сув иситиб кир ювиш, тандирда нон, сомса ёпиш, ўчоқда овқат қилиш онам учун кундалик иш эди. Улар бу юмушларни эрта тонгда ва ишдан келибоқ қилар, кечқурун эса ярим кечагача дафтар текширар, эртанги дарснинг режасини тузар эдилар. Адажонимнинг буйраклари шамоллаб азоб бергани учун, кўпинча касалхонада даволанишларига тўғри келар, ойижоним шунинг учунми адамларни аяб, оғир ишларни ҳам ўз зиммаларига олган эдилар.

Бола эдим. Бир куни уйқум ўчиб уйғониб кетдим. Қарасам, ойим ҳовлида оёқ яланг лой пишитяптилар. Адам касалхонада эдилар. Ҳовлимизда эса ҳали қилинадиган ишлар кўп эди. Ойимни бироз кузатиб, яна ухлаб қолибман. Эрталаб турсам, онам нонуштага иссиққина нон ёпиб қўйган эдилар. Эсимни танибманки, уларни қачон ётиб, қачон турганларини кўрмаганман. Бирон маротаба бирон жойлари оғриётганидан шикоят қилганларини билмайман. Баъзи бир оналарга ўхшаб: «Сенларни не ҳасратда ўстирганман, ундай қилганман, бундай қилганман», деб гапирганини билмаймиз. Ойимлар ҳар доим: "Ўнг қўлинг қилган яхшиликни чап қўлинг билиши керак эмас. Агар бировга ёрдам берсангизу кейин уни гапирсангиз, миннат қилган бўласиз, шунинг учун холис ёрдам беринглар", дейдилар. Катта бир хонадонга келин бўлиб тушган онам, қайнона-қайнотанинг, қайни ука-ю, қайнисингилларнинг ҳурматини жойига қўйдилар. Қайноналарини яъни бувижонимни ўз оналаридек ҳурмат қилар ва улардан бемаслаҳат бирор иш қилмас эдилар. Ҳар байрамда албатта бувижонимни табриклар ва буни биздан ҳам талаб қилардилар. Қайни ука ва қайнисингилларини ўз укаларидек яхши кўрадилар. Шунга жавобан ҳозирда уларнинг фарзандлари ойимга, "катта ойи" деб мурожаат қилишади. Ҳозирда онажоним ҳаммаларига бошқошдирлар.

Онам нафақада бўлишларига қарамай ҳеч ҳам тиниб тинчимайдилар. Улар маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раисаси сифатида хотин-қизлар дам олишларга бош-қош. Маҳаллада (Чилонзор туманидаги "Лутфий" маҳалласида) турли тадбирлар ташкил қилдилар.Жанжалли оилаларни тиклашга ҳаракат қилдилар. Кам таъминланган оилаларга эътибор қаратдилар. Ҳар баҳорда маҳаллада катта дошқозонларда сумалакни ўзлари бош бўлиб пиширадилар. Менинг ойижоним шундай меҳнаткаш, тиниб-тинчимас инсон. Шу хизматлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонига ва 2000 йилда Президентимиз томонидан берилган "Эл-юрт ҳурмати" орденига мушарраф бўлдилар. Онажонимнинг умрлари узоқ бўлиб, бахтимизга омон бўлсинлар. Юзга кириб юринг онажоним.

Дилфуза АЛИМХЎЖАЕВА

ОРТИНГГА БИР ҚАЙРИЛИБ БОҚ!

Ўзбекистон халқ артисти — Гулчеҳра ЖАМИЛОВА билан суҳбат.

- Гулчеҳра опа, сизни ҳар гал кўрганимда, кўз ўнгимда дарҳол Кумушбибининг гўзал ва маъсума чеҳраси намоён бўлаверади.

- Нимасини айтасиз, қаерга бормай, ким билан суҳбатлашмай, албатта шу ҳақда сўрашади. Кумушбиби ролини ижро этганимда ёшгина қиз эдим. Шу ролга таклиф этишганида жудаям ҳаяжонланганман. Тўғриси, мен рус мактабини битирганман. Мен бу китобни ўқимаган бўлсамда. "Ўтган кунлар" асари ҳақида жуда кўп эшитганман. Қаердадир ўқиган эдим: бир одам "Ўтган кунлар"ни ўқиётиб, воқеа Кумушбиби заҳарланган жойига келганида, бир уй одам йиғлаган экан. Филмга таклиф этишганидан сўнг асарни қўлимга олганман ва ўқиб чиққач, Кумушнинг руҳий оламига киришга имкон қадар ҳаракат қилдим, турсам ҳам, юрсам ҳам шу образ фикру-хаёлимни банд этиб олган эди. Қадимда ўзбек аёллари саводсиз, ожиза бўлган, дейишади. Шунда Кумушбиби ёдимга тушади. Кумуш - жуда саводли, фозила, зукко аёл. У Фузулийнинг, Навоийнинг назмий асарларини бошдан-оёқ ўқиб чиққан. Машаққатлардан, тўсиқлардан қўрқмай, севгиси учун курашади. У - ожиза эмас, негаки, кундоши бўлмиш Зайнаб турган хонадонга очиқ юз билан кириб боради.

Оиламиз меҳмони

- "Ўтган кунлар" иккинчи бор фильм қилинди. Офтоб ойим ролини талқин этаман деб ўйлабмидингиз?

- Иккинчи марта ишланса-да, фильм муваффақият қозонди. Юксак баҳосини олди. Офтоб ойим ролига таклиф этишганида, иккиланиб ўтирмадим. Чунки Офтоб ойим биринчи фильмда "менинг онам", таниш, қадрдон бўлиб қолган. Бу ролни ижро этган опамиз Афтеда Муродова шу биргина образи билан томошабин қалбида муҳрланиб қолган. Унинг ўғлари, ёлғизгина фарзанди учун чекаётган қувончу изтироблари қалбимнинг туб-тубларига сингиб кирган. Янги фильмда Кумуш ролига таклиф этилган актриса қиз "Ўтган кунлар"ни бош кўтармай ўқирди. Мен унга маслаҳат бердим:"Сен китобни бир неча марта ўқидинг, етади. Энг аввало Кумушбибини тушун. Руҳиятига кир, йиғласа йиғлагин, кулса суюнгин", дедим. У мени тушунди.

- Қизингиз Асал ҳам бир неча фильмларда суратга тушди.

- Ҳа, Асал болалигидан бошлаб фильмларда суратга туша бошлаган. Бундан ташқари, Асалнинг асли касби кўз шифокори. Ўз касбини жуда севади, иши устида ҳамиша изланишда. Айрим санъаткорлар фарзандларининг ўз касбини эгаллашларига қаршилик кўрсатишади. Машаққатли бўлгани учун ҳам шундай қилишади. Мен ҳеч қачон Асалнинг фильмларда суратга тушишига қаршилик кўрсатмаганман. Аксинча, уни қўллаб-қувватлайман. Она сифатида муваффақиятларидан қувонаман.

- Гулчеҳра опа, бугунги кунда театрда ишламаяпсиз. Лекин сизни уйдан топиш анча қийин.

- Бир куни дубляжда бўлсам, иккинчи куни съёмкада, учинчи куни радиода... Хуллас, театрда ишламаётган бўлсам-да, ижодий ишлар билан бандман. Чарчабҳориб, лекин кўнглимда оламолам завқ билан уйга қайтаман.

- Бир куни уйингизга кўнгироқ қилсам бетоб дейишди. Соғайиб кетдингизми?

- Раҳмат, тузалиб кетдим. Бетоб бўлиб ётиб қолганингда... инсон атрофга теранроқ назар сола бошлар экан. Яхши-ёмон кимлигини ажрата бошлар экансан. Яхши одамларнинг меҳри, кўмагида оёққа турдим. Дунёда яна бир нарса одамни касал қилиши мумкин, ёмон одамларнинг назари...

- Оилавий жанжалларнинг кўпайишида кўпинча қайнонакелин ўртасидаги можаролар бош сабаб бўлади. Бу ерда ким кўпроқ айбдор, деб ўйлайсиз?

- Қайнона! Оилада энг асосий тизгин-қайнонанинг қўлида. Яхши қайнона бўлса ўз қизига қай тарзда тушунтирса, келинига ҳам шундоқ муомала қилади. Айбини яширади, ўғлига мақтайди, ютуқларини ошириб гапиради. Ёмон қайнонадан худо сақласин! Тўғри, ҳаётда бетгачопар, дилозор, сал нарсага боласини кўтариб онасиникига қочиб қоладиган келинлар ҳам учрайди. Лекин бундай қизлар оилада яхши тарбия кўришмаган бўлади. Шуни ҳам йўлга солиш қайнонанинг вазифасига киради.

- Гулчеҳра опа, севимли машғулотингиз...

- Олти яшар набирам бор. Асалнинг ўғли. Набирам кўпинча мен билан бирга бўлади. Эрталаб уйдан чиқиб кетсам, кечгача ширинтойимни соғиниб қоламан. "Ўригидан данаги ширин" дейишларининг сабабини буви бўлгач тушуниб етдим. Яна бир севимли машғулотим, китоблар оламида кезсам барча ташвишларимни унутаман.

- Аёлларнинг қайси жиҳатлари сизни ташвишлантиради?

- Ўз қадрини билмайдиган, аёллик шаънини, ғурурини оёқости қиладиган аёлларга ачинаман. Бундай аёллар санъат соҳасида ҳам учрайди. Айрим санъаткор аёлларимиз чиройли роллар яратишдан кўра, тўйларда юриб кўпроқ пул топиш йўлига ўтиб олишган. "Бунинг нимаси ёмон тирикчилик-ку", деган фикр туғилиши мумкин. Тўғри, лекин буларнинг барчаси аёллик шаънининг, ғурурининг тўкилмаслиги эвазига бўлиши керак. Мен уларга шундай дегим келади: "Ортингга бир марта бўлсада, қайрилиб боқ. Ким эдингу, ким бўлдинг?"

- Асл гўзаллик сақланиб қолар экан-да. Ҳамиша гўзал ва жозибалисиз!

- Раҳмат (кулади). Жуда мақтаб юбордингиз.

- Самимий суҳбатингиз учун ташаккур! Ҳамиша шундай гўзал бўлиб юринг.

Меҳринисо КУРБОНОВА

АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

Одамлар билан муроса қилиш ҳам садақа.

Ҳадис

(Боши ўтган сонларда.)

"Садақа балони қайтарур" деган нақлни болалигимиздан бери биламиз. Садақа қўрғон бўларкан, садақа халоскор экан. Лекин нима садақа бўла олади? У фақат ночорга ёки девонага бериладиган ҳадямми? Яна шундай ҳадис бор: "Одамларга нисбатан ёмонлигингни тўхтат, шу ўзингга садақа ҳисобланади". Эътибор қилдингизми, бехавотир яшаш учун, бир шартни бажариш шарт, яъни, одамларга тинмай мурувват қилиш керак экан! Гар бу қўлингиздан келмаса, ҳеч йўқ биров сиздан зарар кўрмасин, яъни, бировнинг айбини қидирманг, дилини оғритманг, кишининг обрўси, Аллоҳ берган имконларига ҳасад қилманг. "Ҳақ назар қилган кишини бандаси хор айламас" деган экан машойихлар, бировларни обрўсизлантиришга асло уринманг, алқисса, ўзингизнан обрў кетади, демакки, унга тилаган ёмонлигингиз ўзингиз томон юриб қолади! Бу Аллоҳ сиздан юз ўгирди деган гап.

Нуқсондан қутулолмаган инсончиликнинг иши кўпинча "оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним"дир! Одамлардан эътибор кутаверамиз, аммо ўзимиздан ҳам эътибор кутаётганларини ҳадеганда унутиб қўямиз. Одамнинг марди кўнгилпарвар бўлади, биродар, биров сизни бетаъма, холис хурсанд қилса, дарҳол ундан қарз бўлганингизни дилингизга тугиб қўйинг! Сизга шу ниятнинг ўзигаёқ савоб ёзилажакдир. Агар ўзингиз бировга ҳиммат қилгудай бўлсангиз, яъни садақа қилсангиз, билингки, сизга келган балоларни Аллоҳ қайтариб турибди! У бир-бирига меҳрибон бўлганларга меҳрибондир, Иншооллоҳ!

Ҳадиси шарифда муросани садақа деб баҳоланмоқда. Хўш, муроса нима ўзи? Инсонларга интилиб, уларга қалбан эҳтиёж сезиб яшайдиган одам яхши одамдир. Ва у ҳамиша ҳаммага мос тил қидиради, яъни муроса иштиёқида туради. Муроса муомалада рўпарангдаги одамга ўзингни қўниктириш, уни аяш ва тилдан ўт чиқармасликдир. Дейлик, ҳамроҳинг тажанг, тезда хафа бўладиган одам (балки қисматида кўргилиги кўп бўлиб, сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолган, балки ёмон тарбиячида улғайган ё ақлдан қисилган бандадир!). Ҳаммага малол келадиган даражада тажанг тутяптими ўзини, уни бу кўйга Худо солган! Аммо Худо урганни Худоберди ҳам қўшилиб уришига изн берилмаган, Аллоҳнинг ишлари фақат ўзига аён, бандаси аралашолмайди. Демак, қандай бўлса-да, бу одамни эритиш керак. Унга унинг яхши ишларидан хабардор эканлигингиз ҳақида лутф қилиб кўринг, қўлингиздан келса, бир-икки ишларида кўмакдош бўлинг. Алоҳида эътибор билан ҳол сўрашиб кўйсангиз ҳам, онаси тирилиб келгандай яйрайди. Сизни кўрса, юзидан булут тарқайдиган бўлиб қолади, қарабсизки, орадан бетон девор олинди, бунинг оти — муроса!

Беморлик ночорликдир, инжиқ бўлиш даражасига келган бемор, руҳан тушкунликка тушган кишидир. Ҳамма гўзаллик, хандон отиб кулишлар, гурсиллаб юришлар ва кўтаринки кайфиятлардан ўзини бенасиб сезган кишининг кўнглига қил сиғмай қолади. Унинг зардалари ва инжиқликларининг сабаби шу. Агар беморнинг кўнгли тусаётган иш осон бўлса, дарҳол ижро қилсангиз қанча яхши, имконингиз танглик қилса, маълум фурсатдан кейин адо этишингизни самимий ваъда қилинг, шугина билан ҳам у андак соғаяди. Бемор билан муроса — бу ичингиз адои тамом бўлса ҳам, кулиб туриш ва унга кўтаринки руҳ берадиган сўз топа олишдир. Бугунги унга меҳрибонлигингиз, эртага бошқа ёқдан ортиғи билан ўзингизга қайтади. Касал ётганни малол олган ё дилини оғритган киши кун келиб, боши ёстиққа етганда хор бўлмоғи тайиндир!.

Худо сизга тили тезни рўбарў қилади. Тили тезлик — қайсидир азобдан туғилган ҳосила, заҳар одам - кимнингдир касофатидан мажруҳланган жон. Бу касалликдир, бундай одамга раҳм даркор. Тили тез киши бировларни чақиб ўзи маза қилади деб ўйламанг. У заҳарни аввал жонида етилтириб, сўнгра сизга сочади, демак, сиз билан баравар ўзи ҳам заҳарланади! Унинг бу тортган азобига сиз сабаб бўлдингиз, яъни уни ўқ отадиган нуқтасига атойи тегиндингиз, бунинг эвазига Яратган Эгам унинг сўзи билан сизни ҳам ярадор қилди. Бундайларга кундай очиқ юз билан муомала қилинг-да, ёнида узоқ тўхталмасдан айланиб ўтаверинг! Муроса — шу.

Зоти нуқсонли шундай одамлар бор, ўзлари тинмай "бахиллик ёмон" деб туради, аммо сафдошининг андак ютуғидан лаби кўкараверади. Дунёда кўплаб ёмонликни эвлаб яшириш мумкиндир, аммо бахиллик эгасининг юрагидан кўпчиб чиқиб, юзига ураверади! Бахил ҳар доим ҳам очиқ ҳужумга ўтмайди, аммо сизни тан олсалар ёки мақтасалар нигоҳлари совуқ ялтиллаб кетади, табассум қилмоқчи бўлади, аммо юзи ғалати қийшаяди-ю кулолмайди! Шунча яхши кўрган кишилари, машғулоти бу ёғда қолиб, рақиб санаган кишисининг изидан тушиб олади, суриштириб ютуқларини билиб оларади, яна касал бўлаверади! Буни атроф кўриб туради, буни кўриш жуда ёқимсиз! Мен умрим давомидаги рўзғор азоби ёки бола катта қилиш заҳмати ёйинки меҳнатнинг машаққатларини қийинчилик демайман, аммо бахилга жабр бўлмасин деб, битган ишларим, ютуқларимни яшираверишдан, ўзимни паст олаверишдан, чиройли режаларимни пинҳона тутишдан, мени нишонга олиб турган ул бахилнинг майда ишларини мақтайверишдан чарчаб кетдим, суякларимгача толиб кетди! Шу азиятларимнинг оти эса — муроса! Бўлмаса, жон сақлаб бўлмайди! Бахил билан Аллоҳнинг ўзи ҳисоб-китоб қилади, аммо у ҳам банда, уни қўйдиришни кучайтириб, емирилиб боришини тамоша қилиш ҳам мусулмончиликдан эмас!

Кексалар — эгардан тушган, сафари қариб бораётган, лочинлари қўлларидан учиб кетиб бўлган маъюс кишилар! Юраклари санчилган найзага тўла, хонишлари армон, ибодатдан бошқа имконлари қолмаган озурда жондирлар. Уларнинг бола-чақалари ва қариндошларидан бошқа харидори ва ҳадди сиғадигани йўқ Бизнинг улар ўта олган довонлардан ўта билишимиз ҳали гумон! Кўражак кунларимизнинг юклари дастидан улар етган бекатларгача бора оламизми ё йўқ, Аллоҳ билади! Яхши-ю ёмон кексанинг шу туриши — илм! Бу дунёдаёқ уларнинг қайси иши нима билан сийланганини кўрайликда, таҳлил қилайлик. Ва раҳм қилайлик. Уларни авайлайлик ва сўнггина ният қилайликки, бизга улардагидан гўзалроқ кексалик берсин! Кексалик тўлиб турган пиёладир, салга тўкилаверади, улар билан муомалада тилни ютиб, сабрни тишлаб турмоқ керак. Сизнинг бу туришингиз қон ютиб туришдир, лекин оти — гўзал муроса!

Ёшлар билан муроса, энг оғир иш! Чунки ёшликнинг бутун жисми савол-илму тамизинг жойида бўлсагина улар билан мунозарага туш. Кўзи тўла ғайрат-бу дунёнинг пасту баланди, яхши-ёмонини моҳирона тушунтира бил. Энг ёмони, ёшликнинг вужудида шайтон вассасаси авж пардада бўладиунинг қайсарлиги-ю ман-манликларига сабр ва босиқлик билан тур. Ёшликнинг кўзига ўзи зўр, сен эскириб қолгандай кўринаверасан, хом бўлсада, ўз фикрини маъқуллайверади! Уларни етаклашнинг, ноҳис йўлдан қайтаришнинг битта йўли бор — уларга ёқиб олиш! Бунинг учун ёшларга "бугунча мен сенга устоз бўлиб турибман, эртага эса мендан ўтиб кетишинг тайиндир" дея ёндошилади. Уларга буйруқ эмас, маслаҳат овози билан мурожаат қилинади, яхши ишлари рағбатлантириб борилади. Ёшликдаги ўзимизнинг хатоларимизни эслаб, ташимизда бўлмаса-да, ичимизда уларни кечириб туриш керак. Шуларнинг бари – муроса! Аммо бир ҳолатда бу муроса бузилади, қачонки биз, катталар, уларнинг кўз ўнгида гуноҳлар содир этсак! Шундан Аллоҳ ўзи асрасин!

"Муроса-ю мадора" дейди халқ. Бу билан у "муроса бу мадордир" демоқчи бўладиёв! Сен бировга сабр билан муроса қилсанг, яъни уни аясанг, Яратган сенинг кучингга куч, қудратингга қудрат қўшаверади.

(Давоми бор.)

Турсуной СОДИҚОВА

Қўнғироқларингиз...

ЗЎРАВОН КЕЛИНЛАР



Қўнғироқ қилган аёлга: «Гапларингизни ёзиб юбора қолинг», десам, "Йўқ опажон, ёзолмайман-да, ёзолганимда аллақачон юборган бўлардим. Айтиб беракалай ўзингиз ёзинг. Тўғри, бўлар иш бўлиб ўтган, кўп нарсаларни энди ўзгартириб бўлмайди. Лекин, яна бир инсоннинг такдири борда бу можораларда",- деди.

- Майли, гапира қолинг,- дедим.

- Биласизми, амаким билан янгам жуда иноқ яшашарди. Янгам жуда мулойим, диёнатли, қайнота-қайноналарининг ҳурмат-эътиборларини жойига қўйиб, дуоларини олиб юрардилар. Бу орада икки фарзандли бўлишди. Иккаласи ҳам ўғил бўлиб, улар ҳам ақлли, ҳушли йигитлар бўлиб вояга етишди. Тезда ўз йўлларини топиб, оилага суянчиқ бўлишди. Уларнинг орзу-умидлари чексиз эди. Ўғилларини уйлантириб, келинлари, неваралари меҳридан бахраманд бўлишни орзиқиб кутишарди. Ниҳоят ота-она ўғилнинг каттасини уйлантиришди. Келин бола ёмонга ўхшамасди, эс-ҳушлик, чаққонгина, тезда икки болалик бўлиб, амаким ва янгамни неваралик қилиб хурсанд қилди. Иккинчи ўғиллари ҳам уйланиш ёшига етди. Уни ҳам орзу-ҳавас билан уйлантиришди. Бу келин ҳам тезда фарзандли бўлиб, ота-она шодлигига шодлик қўшди. Катта ҳовли, ҳар иккала ўғил учун алоҳида уй, нима еб, нима ичаман деса ҳаммаси муҳайё. Четдан қараганда амаким билан янгамдан бахтли инсонлар йўқдек. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни уларга ҳавас билан боқишарди. Гўёки кунданкунга яшнаб, гуркираб ўсаётган мевали дарахтдек кўринарди бу оила. Лекин, ана шу дарахтнинг ичига аллақачон қурт тушиб уни кемираётганлигини фақат шу оиладагилар билишарди халос. Бундан айниқса амаким ва янгамнинг дилларининг вайрон бўлиб, чорасизликдан тополмай эзилишарди.

- Ўхшатишингизни тушуна олмаяпман,- дедим гапнинг асл моҳиятини билишга қизиқиб.

Аёл бироз тин оларкан, ҳазингина кулди-да.

- Опа ҳозир тушунтириб бераман,- деди. - Ўзим ҳам қандай тушунтиришни билолмаяпман. Хуллас, "Молнинг оласи сиртида, инсоннинг оласи ичида",- деганларидек гарчи ҳеч нарсага зор қолмай, кунлари осуда ўтаётган бўлса-да, келинлар муросани, тинчликни буза бошлашди. Биринчи гапи иккинчисига тўғри келмайдиган бўлиб, ғиди-бидилари кўпайиб борди. Ҳар қайсиси ўзини ҳақ деб билиб, иккинчисини тан олмайдиган бўлди. Шўрлик қайнона ва қайнота ҳар иккаласини муросага келтиролмай қийнала бошлашди. Қадимгиларда бир гап бор "Кундош билан кундош уришса, бир-бирига пахта отишади. Овсин билан овсин уришса бир-бирига тош отади",- деган. Охир-оқибат булар ҳам ана шу тош отиш даражасига етиб боришди. Четдан қараганда ҳавас қилса бўладиган келинлар, бир-бировини даҳанаки жанг қолиб юлишга, уришишга тушиб кетишди. Энди қайнота-қайнонанинг бутунлай тинчликлари йўқолиб, уларни ажратиш учун сергак турадиган бўлишди. Уларга дашном бериш, тартибга чақириш каби чоралар кор қилмайдиган бўлиб қолганди. Хуллас, ана шундай жангларнинг бирида амаким ишда эканлар, янгам ўзлари уйда бўлганлар. Икки овсин ур-йиқитга тушиб кетишгач, кичиги оғироёқлиги сабабли янгам жон ҳолатда югуриб бориб, "Боласига зарар етмасин",- дея уни ҳимоя қилмоқчи бўлибдилар. Аслида иккита уришаётган одамнинг орасига тушган кишининг ўзи аҳмоқ бўлиб қолади, дейишади. Лекин, аҳмоқ бўлса ҳам майли эди-я ундан ҳам баттар бўлди. Келинларни ажратмоқчи бўлган янгамни: "Бор, йўқол, аралашма" - деб кичик келин зарб билан итариб юборибди. У киши цемент ерга қаттиқ урилиб, бошлари ёрилиб хушидан кетади. Келинлар ўз жазаваларидан тушиб, тез ёрдам чақиришади, бироқ янгам касалхонага етмай оламдан ўтдилар.

Амаким эл-юртдан уялганларидан келинларининг айбларини ҳеч кимга билдирмадилар. Гарчи, ўғиллари хотинларини ўша куннинг ўзидаёқ уйдан қувиб юборган бўлсада, неваралари ўйлаб, бир оз вақтдан сўнг яна уйларига олиб келдилар. Кейинчалик кичик ўғилларига уч хонали уй олиб бериб, бола-чақаси билан кўчириб юбордилар. Ой-куни яқинлашган, кичик келиннинг аҳволи жудаям ёмонлашиб, ўлик бола туғди. Кўп қон йўқотгани боис шифокорлар унинг ҳаётини зўрға асраб қолишди. Лекин: «Бошқа фарзанд кўролмайсан», дейишди. Бу пайтга келиб, оилада бўлиб ўтган барча воқеаларни билиб қолишган қариндош уруғ, қўни-қўшни: "Ана қайнонанинг хуни тутди",- дея ёқа ушлашди. Келиннинг ўзи ҳам тавбасига таянгандек бўлувди. Лекин, кейинчалик барини яна унутди-да, яна эски касали қўзиди. Кичик келин ҳозирги кунда амакимнинг кунини бермай жаврайди. "Хотининг ва сен мени қарғадиларинг, натижада боламдан ажралдим" - дея жаврагани-жавраган. Амаким бечора ўтирса ҳам, турса ҳам гап. Худди, илон чиққандек, ўз уйларига сиғмай қолдилар. Устига-устак яна келинларининг жанжали авжига чиқяпти.

- Энди нимага жанжал қилишади? Ахир бўлиб ўтган воқеалардан хулоса чиқаришмадими? Қолаверса алоҳида-алоҳида яшашса?

- Олдинига шундай бўлар деб ўйлагандик. Бироқ, инсоннинг ўзида фикрлаш қобилияти, андиша деган нарса бўлмаса фойдаси йўқ экан. Эндиги жанжалларнинг сабаби қайнона-қайнотанинг уй-жойига эгалик қилиш. Молмулк бўлиш муаммоси бўлиб қолди. Амакимнинг бошлари қотиб қолди. Фарзанд ўстириб, қариганда улардан ҳурмат, эътибор кўраман, яхшиёмон кунимда суянчиғим бўлишади, дейдиган пайтда бу кўргуликлар. Инсон учун бундан оғир азоб бўлмаса керак. Опажон сиздан ўтиниб сўрайман, шу гапларимни газетага ёзинг. Келинлар шу газетани ўқишади. Балки ўзлари ҳақидаги мақолани ўқишса уялишар, ақл-хушларини йиғиб олишар. Қолаверса ўзлари ҳам фарзанд ўстиришаяпти. Бир куни улар ҳам қайноталари каби қаришларини тан олишар. Амаким бечорага раҳм қилишар. Зўравон келинлар ҳам инсофга келишар ахир,- деди сўзини тугатаркан.

Лола АҲМАД қизи

Таширифларингиз...

ДАДАМНИ ЖУДА СОҒИНДИМ

Ўқувчилар сумкасини кўтариб олган бу болакай анчагача йўлакда турганини кўрдим. Аввалига уни онаси билан бирга келгандир-да, деб ўйлагандим. Бир вақт кимдир хонамнинг эшигини журъатсизгина очди. Қарасам болакай турибди.

- Кела қол, менда ишинг борми ёки ойингни кутиб чарчаб қолдингми? - дедим. Бола эса кулиб, берган саволимдан сўнг бирданига йиғлаб юборди. Уни бир амаллаб тинчитиб ўтқиздим. Кейин сўрадим:

- Исминг нима ўғлим, нега йиғлаяпсан?

- Исмим Умиджон... Мактабдан келаётгандим. Дадамни соғиниб кетдим... Шунга... - У ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Мен аввалига бироз саросимага тушиб қолдим. Кейин уни юпатиб нима бўлганини айтиб беришини сўрадим.

- Биз қишлоқда яшардик. Биринчи синфда ўқирдим. Сингилчам ҳам бор. Мактабдан келиб мол боқишга борардик. Дадам шифокор эди, онам эса ишламасди. Қишлоқда яшаш менга ёқарди. Аммо, шаҳарда яшайдиган бувимникига ҳам келиб турардик. Бир куни бувим ўлиб қолди. Кейин биз онам билан бувимникида анча яшадик. Бувим ўлганидан кейин уйида ҳеч ким қолмади. Онамнинг шундан кейин қишлоққа боргиси келмай қолди. Дадам эса қишлоққа қайтиб кетди.

- Онангиз билан Тошкентда қолдингизларми?

- Ҳа! Мана мен шу ердаги мактабда ўқияпман. Аммо, ҳали бирорта дўст ҳам орттирганим йўқ. Чунки, улар менинг гапларимдан кулишгани-кулишган. Талаффузимиз бошқача-да. Қишлоқдаги мактабимизда эса мени ҳамма яхши кўрарди. Қишлоққа қочиб кетсаммикан, деб ўйлаяпман.

- Ие, онангни хафа қилиб, кетмоқчимисан ҳали?

- Барибир йўлни билмайман. Дадамни ва қишлоқдаги уйимизни, ўртоқларимни кўргим келаяпти-да. Онамга бу ҳақда айтсам уришиб беради. Менга дадам қўнғироқ қилганди. Энди гаплашаётсам онам гўшакни қўлимдан тортиб олди. "Энди даданг йўқ, у бу ерга қадам босмайди", - деди. Шу кеча роса йиғлаб чиқдим. Чунки, дадамни жуда яхши кўраман. Агар мени олиб кетса жон деб кетиб қолардиму, аммо онам буни истамайди.

- Онанг нега қишлоққа боргиси келмай қолди? Ёки даданг билан жанжаллашиб қолишганмиди?

- Йўқ ҳаммаси бувимнинг вафотидан кейин бошланди.

- Уйни сотиб қишлоққа кетиш мумкин эди-ку, онанг буни истамадими?

- Бувимнинг уйи ҳам жуда чиройли, марказда жойлашган. Шунинг учун онам сотишга рози бўлмади. Дадам эса Тошкентда қолишга... Биз эса ҳар иккисини яхши кўрамиз ва бирга яшашни истаймиз. Онам бизга: "Даданг бошқага уйланади",- деди. Биз эса буни истамаймиз.

- Умиджон, даданг тез-тез келиб турардими?

- Аввалари келарди, ҳозир эса... Янги йилдан олдин келганди. Онам уйга киритмади. У хафа бўлганча кетди. Энди келмаса ҳам керак. Мен ҳам синглим, Хуринисо ҳам уни жуда-жуда соғинамиз. Онам эса дадамнинг суратларини ҳам йиртиб ташладилар. Биттагина суратларини яшириб қолдик.

- Умиджон, демак сен ҳам, сингли ҳам ота-онанг ярашиб кетишини ва бирга яшашни истайсизлар, шундайми?

- Жудаям истаймиз.

- Лекин, энди бунинг иложи бўлмаса-чи? Даданг бошқага уйланаётган ёки уйланган бўлса...

- Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Шундоқ бўлганда ҳам барибир дадам билан яшагим келади. У жуда яхши-да. Агар қишлоққа кетишимга онам рухсат бермаса, унда уйдан қочиб кетаман. Кўчада юрадиган болаларга қўшилиб юраверaман. Мактабга ҳам бормайман.

- Нега энди мактабни ташлайсан, барибир ўқишинг керак-ку. Даданг ҳам келади. Сени соғинади у ҳам.

- Мактабда болалар дадаларининг турли совғалар олиб келишини айтиб мақтанишади. Ота-оналари билан байрамларда айлангани бирга боришади, суратларга тушишади. Мен эса индамай тураверaман. Улар эса атайлаб менинг олдимда дадаларидан гап очаверадилар.

Мен бу кичкина меҳмоним билан анча гаплашиб, кейин уни пастгача кузатиб тушдим. У уйига 51-рақамли автобусда кетиши керак экан. Бекатгача бирга бордим. Уни жўнатиб қайтаётганимда эса Олой бозоридан уч-тўртта сочлари хурпайган, кир-чир болалар чиқиб келаётганини кўрдим. Уларнинг ёши нари борса 8-12 атрофида эди. Болалар сигарет чекишар, турли сўзлар билан сўкинишарди.

Мен эса истироб билан Умиджонни ўйлардим. Агар у ҳам уйдан қочиб кетиб мана шундай болаларга қўшилиб кетса-чи? Умиднинг онаси ўғлининг катталардек истироб билан отасини соғинаётганини, уни кутаётганлигини билармикан?

Энг ёмони шундаки, баъзан ота-оналар билиб туриб ўз фарзандларининг энг беғубор, бахтли ўтиши керак бўлган болалигини ғурбатга айлантиришади. Улар ўзларига қулай ҳаётни танлаб оладилар-да, фарзандларини ана шу ҳаётга кўникишга мажбурлашади. Нега ахир? Мен Умиджоннинг исмини ўзгартирмадим. Аммо, у ота-онасидан кўркдими, уларнинг исмларини айтгиси келмади. Эҳтимол, дадаси Тошкентдек шаҳри азимда жигарбанди Умиджоннинг соғинч билан уни излаётганидан хабардор бўлар? Наҳотки Умиджоннинг онасига болаларини ота дийдоридан жудо қилиб шаҳарда яшаш маъқул бўлса? Менимча, болаларнинг кўнгилларини вайрон қилиб яшашдан маъно бўлмаса керак. Буни Умиджоннинг онаси тушуниб олса яхши бўларди. Мухлисларимиз ҳам ўзларининг холис фикрларини ёзиб юборишади деган умиддамиз.

Басира САЙДАЛИЕВА

ГУРУЧ ИЧИДАГИ КУРМАКЛАР ЙЎҚОЛСА ҚАНИЙДИ!

«Бирин севиб, бирин ташлайсиз»— 8-сон

ЭСЛАТМА: Айрим эркакларимиз суюқоёқ аёлларга қандай муомала қилишса, покиза қизжувонларга ҳам шундай муносабатда бўлишади. Бундай муносабат ҳар доим кўнглимни оғритади.

НАСИБА

Эндигина 19 баҳорни қаршилаган доно қизим, Насибахон! Бурро тилларингиздан ўргилай, йигитлар "мадҳи" юзасидан ёзганларингизни ўқиб, ҳузур қилдим.

Негаки, менинг ўзим ҳам қизлар, аёллар бахтсизлигига сабабчи бўлаётган ана шундай эркакларни ёмон кўраман. Ундайлар нафақат аёллар, балки ўз ота-оналарининг ҳам пешона шўри! Шу ўринда фарзанди тарбиясига илк ёшлигидан яхши қарамаган ота-оналарни қоралагим келади. Бир мўъжиза бўлиб уларни супуриб ташлаш мумкин бўлсайди...

Қанийди, улар "тушираётган қовунлар" фақат ота-оналарининг елкасидангина боса қолса... бутун эл дилини ранжитади, қалбини ўртайди. Бу фикримга муштарийларимиз ҳам юз фоиз қўшилишади, деган умиддаман.

Насибахон, сиз қуюнчаклигингиздан: "Нима учун эркаклар гўзал, мафтункор рафиқалари бўла туриб, бошқа аёлларга..." - дея эрларнинг хотинига тўнкаган хатолари хусусида сўзлаб, "барча хатолар аёлларда" дейишганини келтирасиз.

Захматкаш аёлларимиз ҳақида жуда тўғри фикрлабсиз: "Агар ҳар бир аёл, "эрим ундай, эрим бундай", деб кўчага чиқиб кетсами... Йўқ! бизнинг асл ўзбек аёллари ундай қилишмайди. Эрининг минг нуқсони бўлса ҳам, фақат оилам, болам, чақам деб фидо бўлиб яшайди".

Ҳақиқатан ҳам "Сабр таги-олтин" эканлигига ишониб иш тутган аёлларимизнинг қанча-қанчаси нурай бошлаган оилаларини қайта тиклаб яшаб кетишмоқда.

Менимча, кучига ишониб талтаядиган эркакларининг жиловини тортиб қўядиган замон келди. Юртбошимиз бекорга ушбу йилни "Обод маҳалла йили" - дея номламаган. Эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам дашном ейишига лойиқ айби маҳалла фаоллари томонидан саваланиши керак. Айни чоқда, бўлар-бўлмас, арзир-арзимас айбни маҳаллага кўтариб чиқишдан тийилиши керак аёлларимиз. Уларни ўзларининг ширинсўзлиги, эрга ройишлилиги билан тузатгани маъқул. Насиба ёш бўла туриб ўзига учраган бир сур эркакнинг адабини берганким, бу ҳамма ёш аёлларимизга ўрнак бўлгуси: автобус кутиб турганида бир эркак уни манзилига элтиб қўяжагини айтганида у унамайди, эркак қайта-қайта гапиргач, унинг йўлидан қолмай кетаверишини айтибди. У эса: "Нега менга қўпол муомала қиласиз, мен сизга яхшилик қилай девдим",- деб жаҳл билан машинасини ҳайдаб кетибди. "Яхшилик"ни фақат ёш қизларга қиласизларми, нарироқда турган онахонни манзилига элтиб қўйсангиз бўлардику!" - дея ўйлаб қиз бола бўлиб туғилганига афсус чекади у.

Насибанинг: "Дугоналар, ҳеч қачон йигитлар наздида ўзингизни камситманг. Олдингизда сўкиниб гапиришларига асло йўл қўйманг. Токи улар буюм сифатидаги нусха билан эмас, балки Нозик бир хилқат билан муомалада бўлаётганликларини билишсин",- деган гапларидан қизларимиз ўзларига тўғри хулоса чиқаришсин.

Насибахон, сиз тарбияли, ўзига пишиқ қиз бўлганингиз учун ҳам "етти ўлчаб бир кес"аяпсиз. Фақат ўз тақдирингизнигина эмас элимиздаги бошқа қизлар тақдирини ҳам ўйлаб мулоҳаза юритишингиздан мамнун бўлдим.

"Йигитлар тарбиясиз, енгилтак қизларга, қизлар эса ёлғончи, ваъдабоз йигитларга учраб қолишларидан Худонинг ўзи асрасин", деган дуонгизга ҳаммамиз қўшиламиз. Сиздек доно қизга ҳам Тангри таоллонинг нури ёғилиб, яхши хонадонга келин бўлинг.

Оналар номидан шундай дуойим бор: кўнгли ифлос, қабиҳ ният йигит-эркаклар худди гуруч ичидан чиқадиган курмаклардек Оллоҳ томонидан териб ташлансин:

Эркакнинг яхшиси
элни яшнатар,
Ёмони-чи оилаю,
ўзин қақшатар.
Ёмонлардан ўзинг,
асра Худойим
Инсоф тавфиқини
бергин илойим.

Афифа ҲАСАН қизи

Акс-садо

ОЛОВ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ...

«Бу оловни қандай ўчирай»— 4-сон

ЭСЛАТМА: Икки фарзандли бўлганимда турмуш ўртоғим билан аразлашиб қолдим. Иш судгача бориб етди. Бу орада бир йигит билан танишиб қолдим. Лекин эрим билан қайтадан яраштиб олдик. Аммо ўша йигитни қаттиқ севиб қолган эканман. Уни унутолмаяпман.

НИГОРА

Нигорахон, сиз билан тенгдош эканмиз. Сизнинг севгингиз - бу оилангиз. Сизга маслаҳат эмас, ўз фикрларимни билдирмоқчиман. Тасаввур қилинг, сиз эрингиз билан ажрашдингиз ва ўша йигитга турмушга ҳам чиқдингиз дейлик. У йигит сиздан 4 ёш кичик бўлса, демак у 21-22 ёшларда. Орадан йиллар ўтиб, у йигитдан фарзанд кўрсангиз, у ўз фарзандларини суйиб-эркалаб, сиз кетингиздан олиб келган фарзандларингизни ўз фарзандидек кўрмай, ажратиб, камситмайди деб ким кафолат бера олади? Аёл киши эркакка нисбатан тезроқ қарий бошлайди. Йиллар ўтиб, тўйбазмларга борганда ўз тенгдошларини кўриб, ёшликда қилган ўша севги-муҳаббат деб билган нарсаси хато эканлигига минг пушаймон бўлмайди деб ким айта олади?

Нигора, ўз вақтида ақлу-ҳушингизни йиғиб олинг. Сизнинг севгингиз бу фарзандларингиз, эрингиз. Оилали, эрли, фарзандли аёлга: "Севиб қолдим бошқани, маслаҳат беринг", деб юриш ҳақиқатан кулгили бир ҳол. Сиз юрак амрига қулоқ тутадиган ёшдан ўтгансиз, бу ёғига ақл билан иш юритишингизга тўғри келади. Ҳозир эрингиз билан тинч-тотув яшаётган экансиз. Бунинг қадрига етинг. Эримга кўнглим йўқ деб ўйламанг, сиз кўпроқ эрингизни яхши томонларини ўйланг. Сизга у шундай меҳрибон экан, ҳатто хорижга дам олишга бориб келибсиз. Шундай эркаклар борки, хотинга меҳрибончилик қилиш, нарёқда турсин у билан дам олиш оромгоҳларига бориш нималигини ҳам билишмайди. "Бир ёмонни кўрмагунча, яхшининг қадрига етмайсан", деган қадимги мақол, хафа бўлмангу, худди сизга ўхшаганларга айтилгандек гўё. Ишлар экансиз, ишингизга, оилангизга ўзингизни бағишланг. Инсон бўш қолса кераксиз хаёлларга берилади. Ўша йигит ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилинг. Вақт — ҳакам. Шу ҳакам сизни безовта қилаётган ўша оловни секин-аста ўчиради. Ўзингизни қўлга олмасангиз нафақат сизни, оилангизни, эрингизни, фарзандларингизни ҳам ёндиради бу олов.

Гулчехра ЗОИРОВА

Жиззах шаҳри

МАҚСАДИМИЗ ХОЛИС

«Ҳеч кимга айтилмайдиган гап»— 36-сон, 2002 йил

ЭСЛАТМА: Онам ёшлигимда вафот этган. У кишининг ўлимидан кейин отам укам ва синглимни олиб бошқа шаҳарга кўчиб кетишди. Мен бувим билан қолдим. Кейинчалик билсам мен дадам деб юрган киши менга бегона экан. Ўз дадамни топишни истардим.

ШОДИЯ

Газетамизнинг 2002 йил 36 сонида "Ҳеч кимга айтилмайдиган гап" деб номланган мақолам чоп этилди. Мақола Навоий вилоятидан ёрдам сўраб бизга қўнғироқ қилган бир қиз билан суҳбатимиз асосида ёзилган эди. Ҳар бир қўнғироқнинг ортида маълум бир инсоннинг тақдири бўлганлиги сабабли, биз унга алоҳида эътибор берамиз. Иложи борича ёрдам бериш мақсадида йўл-йўриқ кўрсатамиз, газетага ёзалар дейишса, мақолалари тайёрлаб, мухлисларимиз хукмига ҳавола қиламиз. Мақсадимиз холис, кимгадир ёрдам бериш. Лекин, бизни ҳам алдашса, буни энди қандай аташни ҳам билмайман. "Номардлик" дейиш тўғри бўлса керак.

Хуллас, Навоийдан кўнғироқ қилган қиз ўз тақдири ҳақида хўрсиниб гапириб берди. Мен ҳамдардлик билдириб тинчлантирдим. Нима қилсам ёрдамим тегишини сўрадим. У ўз навбатида айтганларини ёзишимни, иложи бўлса ўз номини қўйишимни, шу йўл билан отасини топиш ниятида эканлигини айтгач, "Шодия" исмини ёздим. Шу биргина кичик хатоим сабабли гулдек тоза қалбли, ҳалол, покиза бир қизнинг дилини қаттиқ оғритганимни қаердан биламан. Ҳали айтганимдай "номард" бир инсон - бировларнинг отини сотиб, кўнғироқ қилганлигини ҳаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

Яхшиямки бир ҳалол инсон хат ёзиб мақоладаги гапларнинг баъзилари ёлғонлигини, Шодияни кўролмайдиган бахил, ғаразчи бир қизнинг унга ёмонлик қилиш мақсадида ўйлаган уйдирмаси эканлигини ёзибди. Ўша иғвогар қизнинг исмини ёзмадим, лекин унга айтадиган икки оғиз гапим бор. "Қизгина, сенинг кимлигингни биламан. Аввало бировга қилган туҳматинг учун, сўнг таҳририятга қўнғироқ қилиб алдаганинг учун албатта жавоб берасан, "Қиғир ишнинг қирқ йилдан сўнг ҳам қийиғи чиқади" деган гап бор. Сенинг ёлғонинг ҳам умри қисқа экан-ку! Шодияни ақлли, одобли, барчанинг ҳурматига сазовор, ҳалол, покиза қиз эканлигини маҳалладагилар, дўстлари, яқинлари яхши билишаркан. Хуллас унинг яхши фазилатлари ҳақида ёзиб юборишибди".

Қизим Шодия, бир ғаламис туфайли сенга озор берган бўлсам минг бор узр сўрайман. Келажакда ўз орзу ниятларингга етишингда тилакдошман.

"Ўғлим,- деди Содиқнинг онаси бир куни нонушта чоғи, "Болалик уй бозор, боласиз уй мозор", - дейишади. Тўйларингга ҳам икки, ҳатто уч йил бўлиб қолди. Бизлар ҳам бошқалардек невара суйиб, эркалатиш орзусида юрамиз. Қолаверса, кўни-қўшнилар ҳам гап-сўз қилишаяпти. Келин билан бир маслаҳатлашиб кўринглар, керак бўлса даволат. Умр оқар дарёдек ўтиб кетаверади", - деб қолди. Содиқ ўйга толди. Ўтган ҳафта кўшни маҳалладаги синфдош ўртоғи ўғлига тўй берган куни ҳам дўстларидан бири шунга шаъма қилиб, нафсониятига текканини эслади. "Йўқ, бугундан қолдирмайман, шу бугуноқ гаплашаман", кўнглига тугиб қўйди у. Аммо, қандай қилиб айтади, дилини оғритиб қўймасмикин?!

Шу куни Содиқ уйига ширакайф келди. "Жасурлик учун" бироз ичганди. Аммо, шишанинг ичида жим турган оғу унинг ҳис-туйғуларини жунбушга келтириб юборди. Дўстининг нафсониятига теккани, онасининг гаплари... Ҳаммаси маломат тошлари бўлиб, бошига ёғилаётгандек эди гўё. Шу сабаб, вазиятни ётиғи билан тушунтириш ўрнига, илк дафъа хотинига кесатиг, иддао қилиб гапирди. Хотин йиғлади, "Айб мендами? Худо бермаса нима қилай", - деб гап қайтарди. Назарида хотини унга: "Балки айб ўзингдадир?" - дея писанда қилгандек бўлди. Эр ҳам бақирди, сўкди. Қисқаси, ўртада низо чиқди. Ширин турмушга путур етди, тинч-тотув ҳаёт дарз кетди. Шундан сўнг кўнгилхираликлар ботбот давом этадиган бўлиб қолди. Бунга кўпинча қайнона ҳам сабабчи бўларди. "Фарзанд кўрмагандан сўнг, уларни совутиш керак, бир-биридан", - деб ўйларди у ва келинини ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ қилиб ўғлига ёмонлайдиган одат чиқарди. Шундай келишмовчиликлар асосида Гулжаҳон ҳомиладор бўлганини сезди. Энди у аввалгидай гап қайтармас, урса ҳам чидаб борарди. Вазиятни аввалги ҳолига қайтармоқчи эди. Кунлар ўтиб, қўчқордай ўғил туғиб берди ҳамки, орадаги совуқчилик ўнгланмади, юмшамади. Негаки, эри ичкиликка анча ружу қўйган, қайнонаси эса ўта кекчил бўлиб, "Сени у дунёю бу дунё кечирмайман, ўғлимга онаси ўпмаган қиз олиб бераман", - деганди. Бир сафар Гулжаҳон ҳам: "Ҳамма жалжалнинг боши сиздан чиқаяпти",- дея гап қайтарганди. Бу-ку майли, Содиқчи, унга нима бўлди. У ҳам юз фоиз ўзгарганди. Ичкилик ичса, жанжалга мойил бўлиб қолганди. Ҳар кимнинг гапига кирадиган, айниқса онасининг измидан чиқмайдиган, иродаси суст одамга айланганди. Наҳотки, қизлик пайтимда ортимдан соядек эргашиб, ҳоли-жонимга қўймаган тортинчоқ йигит шу бўлса, деб ўйларди баъзан.

Орага тушган совуқчилик шу билан якун топдики, Гулжаҳонни уйдан ҳайдашди. Шу пайтгача ҳам "Уйингга кет!" - деган пўписа бўлганди, аммо "Севиб турмуш қургансан", - дея юзимга солишади,- деган истиҳола билан чидаб юрганди. Бу сафар очиқчасига хайдашди, кўчага судраб чиқаришди. Ҳатто ўғлини ҳам беришмади. Гўё, бу ишни суд ҳал қилармиш. Ғурури оёқ ости бўлган Гулжаҳон уч-тўртта кўйлак-лозимини олиб, чиқиб кетди...

Маҳалла-кўй, эр ва хотиннинг қариндош-уруғлари ҳам орага тушиб, дарз кетган ёш оилани тиклаша олмади. Ғишт қолипдан кўчгандек эди. Айниқса, эри ва қайнонаси: "Бизга бунақа келин керакмас", - деб маҳкам оёқ тираб олишди. Фарзанд масаласи, улар айтганидек судда кўрилди. Аммо, туман суди нимагадир куёв томонга ён босди. Қонунни озгина четлаб бўлса ҳам тезда ажрим қилиб қўя қолди. Боз устига ўғлини "Ота қўлида қолади", - дея ҳукм чиқарилди.

Шундан бери Гулжаҳоннинг ичига чироқ ёқса ёришмас, бироз одамови бўлиб қолди. Фарзанд доғи, муҳаббатга ҳиёнат, бариси жам бўлиб ёшгина жувонни "ўтин" ҳолидаги аёлга айлантириб қўйганди. Яхши одамлар ҳам бор экан. Танишларидан бири тўғри йўл кўрсатиб, вилоят судига даъво аризаси билан мурожаат қилишни маслаҳат берди. Ҳақиқат бор экан. Орадан анча муддат ўтиб кетган бўлса ҳам вилоят суди масалани одилона ўрганиб чиқиб, ўғлини қайтариб олиб берди. Ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлиги болани унга беришга асос бўлолмаслиги, улардан қай бирига қалбан боғланиб қолганлиги, хуллас ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганган фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ҳайъати Иштихон туман судининг фарзанд тўғрисидаги ажримини нотўғри деб топди.

Самарқанд вилояти фуқаролик ишлари бўйича судининг судяси Шамс ака Гаффоровичдан ушбу воқеа тафсилотларини тинглар эканман, ҳақиқат қарор топганига мен ҳам қувондим. Аммо, орадаги бемазмун жанжаллар оқибатида бир норасиданинг етим бўлиб қолаётгани ҳам, афсуски ҳақиқат эди. Хўш, эртага у отасининг пинжига тиқилиб, эркаланаётган тенгдошларини кўриб, ўксимайдими?! Отам ёнимда бўлганда, мен бундай юрмаган бўлардим, деб кўнгли суст кетмайдими? Бироқ, бу хунук ҳолат суднинг ёки маҳалла-кўйнинг айби эмас, асосан эр-хотиннинг ҳаётга енгилелпи муносабати, шайтонга ҳай бермаганлиги оқибати эканлигини мустақил ҳаёт бўсағасига яхши ният, эзгу мақсадлар билан эндигина қадам қўяётган ёш келин-куёвлар, йигит-қизларимиз билиб қўйса, тегишли хулоса чиқаришса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Зеро, ҳалқимизда "Дононинг донолиги нодоннинг хатосини такрорламаслигидир",- деган ибора бор.

Хайрулла ҲАМРОЕВ

ЭСИНГДАМИ?

Баҳорнинг илиқ тафти ерни иситиб бораётган бир пайтда сени ёдга олдим. Эсингдами, ёнингга бош эгиб эмас, сенинг менга бўлган севгинг борми-кан, деб борган эдим. Ўшанда сен ҳа... сен мени "севаман" деб айтолмаган эдинг.

Мана мен ҳозир 36 ёшдаман, 3 ўғил, уч қизим бор...

Сен эса, сен ўзинг севган қизга эмас, балки онанг сенга рўкач қилган қизга уйландинг. Сен уни бахтли қилдинг, аммо ўзинг, ичингдан зир қақшайсан. Сабаби сен севган ёр у эмас, мен эдим. Ҳа, мен эдим. Эсингдами ўшанда баҳорнинг нафис кунлари бошланаётган эди. 11 март ёдимдан ҳеч қачон чиқмайди. Сенинг отанг менинг онамни севган лек афсус эришолмаган, онам кеч турмуш қурган ва мени вояга етказаётганда сенинг отанг онамга: "Мен сенинг қизингни ўғлимга келин қилиб оламан",- деган эди.

Мен 19 баҳорни қаршиладим. Совчилар уйимдан аримайди. Отангни очиқ даврада қариндош-уруғга айтган гаплари учун менинг кичик бобом (онамнинг отаси) мени сенга беришини айтган. Мен ҳам ҳовлиқиб эмас, қизиқиб, йўқ... йўқ сени севиб олдингга сўроққа борган эдим. Шунда сен: "Ие, менинг хабарим йўқ, мен ҳали ёшман, ўйнаб-кулишим керак",- деган эдинг. Мен бу гапларни тушунмадим, алам ютиб, ортга қайтдим. Ўшанда сен учун кеч бўлган эди. Дарз кетган қалбимни ямай олмадинг. Афсус, ортимдан кўп юрдинг. Ўзингни кўр қилдинг. Мен эса муҳаббатингни қабул қилмадим. Мана ҳозир қизалоғим 16 ёшда. Ҳали у гўдак бўла туриб, сен уни ўз ўғлингга олиб бермоқчисан. Буни эса вақт кўрсатади. Фақат мен бир нарсадан хафаман. Ахир отанг эришолмаганига сен ҳам эриша олмадинг. Энди, энди сенинг ўғлинг ўз севгисига эриша олармикан ёки бу нарса авлодданавлодимизга ўтиб бораверармикан. Ахир биз қариндошмиз-ку! Негизимиз бир-ку. фақат фарқимиз сен бобомнинг эмас, бувимнинг авлодидансан. Яна бир нарсаким сенинг аёлинг бунга қандай қараркин? Ўшанда сенинг онанг ҳам рашкдан сени йўлингни тўсган эди-ку, эсингдами...

МАЛИКА

СИЗНИ ЙЎҚОТИШДАН ҚЎРҚАМАН

Томчи шабнам эдим, вужудга айландим. Қачонлардир беғубор гўдак эдим, улғайдим. Бутун оламни уйқуга шайлантираётган бир куз фаслида, қалбимда баҳор ғунчаларини уйғотиб сиз кириб келдингиз. Келдингиз-у, ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юбордингиз. Мени ҳеч қачон ишонмаган ва тан олмаган бу туйғуга бош эгишга мажбур этдингиз. Шу кунгача Оллоҳдан ўзга ҳеч кимдан қўрқмасдим, аммо бугун сизни йўқотишдан, сиздан айрилиб қолишдан қўрқаман. Сизга шунчалар ўрганиб қолганманки, ҳаёлларимни бир зумга ҳам тарк этмай- сиз. Севаман дейсиз-у, лекин доим мени азоблайсиз. Бундан эса фақат роҳатланасиз. Майли, мен мана шу бетакрор муҳаббатим йўлида ҳар қандай азоб-уқубатларга бардош беришим мумкин. Лекин бошқа ёр қўлига топшириш йўқ! Мен бу ҳақда, ҳаттоки ўйлашга ҳам қўрқаман.

Бир куни тушимда сизни бошқа бир қизга уйланаётганингизни кўрдим. Буларнинг ҳаммаси шунчаки тушлигини билиб ҳам юрагим уришдан тўхтаб, мавж ураётгани фақат ўзимга ва худога аён. Кечаю-кундуз бир зум ҳам тўхтамай Оллоҳимдан фақат сизни сўрайман. Агарда шунда ҳам Оллоҳ сизни мендан айирса, унда мен...

Мирзоҳид! Бу исмни эшитсам бутун вужудим, ҳаёжон билан титрайди. Ўртамиздаги муҳаббатимиз ҳурмати ҳаққи, Оллоҳ бизларни шунчалик жабрламаса керак. Лекин юз ўгирмас экансиз, мен сизга талпиниб яшайвераман.

А.Н.Б.

Тошкент

О, МУҲАББАТ АРМОНЛАРИМ АСРАСИН СИЗНИ

Ҳилола билан танишганимизга кўп бўлмай тезда дўстлашиб олдик. У очиқ кўнгиллиги, самимийлиги, қувноқ, беғараз кулгилари билан қалбимдан жой олди. У ҳар доим қувноқ юрарди. Негадир бугун дарсга ю з - кўзлари қизаргандай кириб келди. Назаримда у йиғлаган эди. Сабрим чидамай, сўрашга мажбур бўлдим. "Нима бўлди? Тинчликми?" - деб сўрадим. У ерга қараганча жим турди. Мен дугонамга: "Агар юрагингдаги гапларни айтишнинг иложи бўлса айтақол, мен сени тушунишга ҳаракат қиламан",- деганимдан сўнг, бир оз менга тикилиб турди-да сўз бошлади.

- 9-синфда ўқиб юрганимда синфимизга Андижондан Баҳодир исмли бола келди. У мендан икки ёш катта эди. Мен у билан кўп гаплашмасдим. У Баҳодир эса мен билан яқинроқ танишгиси борлигини сезардим. Синфдаги болалардан мен ҳақимда сўраб суриштирибди. Дугоналарим мени йигитларга беъэтиборлигимни айтишгач, "Бу қиз менга эмас экан, на чора, нима ҳам қилар эдик?" - дебди. Лекин, барибир ортимдан эргашиб юраверди. Мен унинг хатти-ҳаракатларидан ошкора кулганим-кулган эди. Бу эса Баҳодирнинг жаҳлини чиқарар эди. Мен унинг устидан қанчалик кулмай у бошқаларга ўхшамаслигини ичичимдан хис қилардим. Унинг юриш-туришлари, кулгилари бошқалардан ажралиб турарди. У менга очиқ гапира олмас, дугонам Севарага қўнғироқ қилиб "оҳ-воҳ" қиларди. Севара эса менга "Ҳилола, ҳеч ким сени Баҳодирдек севолмаса керак. Унинг сенга бўлган севгиси даҳшат! Истасанг, олдингда тиз чўкиб севги изҳор қилиши мумкин", - деди.

Хуллас, кунлар ўтиб мен ҳам уни севиб қолган эдим. Биринчи муҳаббатимни топгандим. Лекин унга лом-мим демасдим. Мағрур эдим. Мактаб уйимизга узоқ бўлмаса-да, у мени уйимгача кузатиб қўяр эди. Ишонасанми, севишини, қаттиқ севишини 100 мароталаб такрорларди. Севги кўзларимни кўр, қулоқларимни кар қилиб кўйганидан, чин ошиқлар севишларини, хатто бир марта бўлса ҳам айтаолмаслигини ўйламабман.

Декабр ойида у Андижонга кетди. Ўша ердан ҳам тинимсиз қўнғироқ қилар эди. Янги йил куни телефон олдидан кетмай ўтирсам-да, ундан дарак йўқ. Бу орада у Андижондан қайтиб келди. У билан салом-алик қилдиму, уйга кириб кетдим. Унинг жаҳли чиқиб, дугонам Севарага қўнғироқ қилиб: "Дугонанг ёввойироқ экан. Бошида айтганимдек у қиз менга эмас экан. Мен уни энди севмай қўйдим. Агар бу гапларимга ишонмаса айт, мен уйланганман, болам бор", - дебди. Севара менга бу гапларни айтиши билан, мен йиғлаб юбордим. Тўйиб-тўйиб йиғладим. Унинг мени севмаслигига ҳеч ишонмасдим. Кейин тушуниб етдим, унга ҳеч ҳам мағрур қизлар ёқмас экан. Менинг айбим мағрурлигим эди. Унга қаерга десанг кетаверадиган "кўча қизлари" ёқарди. Шундай бўлсада, мен уни жуда қаттиқ севаман. Орадан икки йил ўтибдики уни бир дақиқа ҳам унутганим йўқ. Мен ҳаётимдаги ҳар бир қувончли онларни у билан баҳам кўргим келади. Ахир севиш айб эмас-ку. Энди мен фақат ўқийман. Ҳаёлимни у билан чалғитмасликка харакат қиламан. Менинг биринчи муҳаббатим юрагимни жароҳатлади. Умримнинг охиригача юрагимдаги армонларим, ширин туйғуларим ила уни севаверман. Уни унутишга менда куч ҳам, хоҳиш-истак ҳам йўқ. Биламан, дугонажон, сен менга ҳаётим олдиндалигини уқтирмоқчи бўласан, лекин барибир менга у керак. Ўзим ҳам билмайман нега уни шунчалик севаман. Балки сен мен ҳақимда салбий фикрга борарсан. Инсон ҳаётида бир мартагина севишга ҳақли-ку, тўғримми? - деб Ҳилола сўзини тугатди. Мен унга ҳеч нима демадим. Нима бўлмасин, Ҳилола ҳаммадан яхши ва менинг энг яхши дугонам бўлиб қоларади. Мен уни фақат бахтли бўлишини истайман.

Чор чинор баргида
ўкиниб қолган,
Етим туйғуларим
қарғасин сизни.
Йўқ-йўқ қарғишларим
қайтариб олдим.
У тотли армонларим
асрасин сизни.

Бу Ҳилоланинг такрор-такрор ўқийдиган шеъри...

ТЎМАРИС

СИЗ МЕНИНГ ҲАЁТИМСИЗ

Севгилим Маҳмуд ака. Бу дунёда мен ёлғиз сизга ва эртанги бахтли кунларимга ишониб яшайман. Ҳеч кимга ишонмас эдим, ўзим орзуимдаги шахзодани кутиб яшар эдим. Сиз туфайли мен жуда кўп ширин хотиралар оғушида яшаб келмоқдаман. Қаерда бўлманг мени ёдда сақласангиз бўлгани. Сизни олис-олисда илҳақ бўлиб кутаётган бир қиз бор, у бу дунёда ёлғиз Оллоҳга ва сизга ишониб, яшайди. Мен эса сизга бўлган бир умрлик севгимни қадрлаб яшайман. Севгилим, Сиз менга ҳадя этган қувончни энди ҳеч ким менга беролмайди. Маҳмуд ака, ҳаётим мобайнида сизга бўлган садоқатимни исботлашга ҳаракат қиламан. Муҳаббат ҳақиқий бўлса у юракларда абадул абад сақланиб қолади дейишади-ку, ахир. Маҳмуд ака хижрон азобларидан, соғинчлардан бетоқат бўлиб сизга мактуб йўлламоқдаман. Сизни ёдингизда эмас, ёнингизда кўпроқ бўлишни истайман.

МАДИНАБОНУ

Марғилон шаҳри

ЯШАШ ҲАМ ҒАНИМАТ

(Боши ўтган сонда.)

Ҳовлини тўлдириб, ҳатто айримлари кўча-кўйни тўлдириб эрларини қарғашдан, оллоҳдан унга ўлим тилаб бақиришидан уялишмайди-ю, аммо кўкка қараб эримга инсоф бер Оллоҳ-дей-ишдан истиҳола қилишади.

Касалхонада бир аёл билан дардлашиб олдим.

- Эримнинг ўлганига 4 йил бўлди,- деди у йиғламсираб. - Гоҳ ёғли, гоғ ёғсиз, гоҳ гўштли, гоҳ гўштсиз бўлса-да, қозонимиз қайнаб турарди. Зта болам бор, улар хали ёш. Мен борига шукр қилмай кўпроқ тополмайсан, одамлардай уддабурон эмассан, деб эримнинг ҳоли жонига қўймасдим. Гоҳида у аламидан ичиб келарди. Мен қарғардим, у сўкарди, урардиям. Эрим билан яшаган йилларимнинг ярмидан кўпи афсуски жанжал билан ўтган. Тўсатдан касалликка учраб икки хафта ётди-ю, дунёдан ўтиб кетди. У кишини ҳечам ўлади деб ўйламабман. Ҳали-ҳалигача у кишидан кечирим сўраб қолмаганимга пушаймон қиламан. Мана, 4 йилдирки бегона эркак билан сал жилмайиб гаплашсам ҳам, ё ялтироқ кўйлак кийиб кўчага чиқсам ҳам одамлар менга бошқача қарашади. Ғийбат-у балолардан бошим чиқмай қолди. Тўғрисини айтсам эри йўқ аёлга бўяниш, кийиниш, ҳатто сал қаттиқроқ кулиш ҳам ярашмас экан. Бекордан-бекорга эркак кишини аёлнинг бош эгаси демас экан-да. Шунинг учунми яхшиям, ёмон ҳам менга ғийбат тошларини отади. Ичсаям, урсаям эримнинг тириклиги мен учун суянган тоғ эканлигини жуда кеч тушундим.

Сизга айтмоқчи бўлганларим

Сингилжоним! Онангдан сўрачи, отанг билан неча йил яшади экан? 50 йилми? Момонгдан сўра-чи, бобонг билан неча йил яшади экан? 35 йилми? Холангдан сўра-чи, 20 йилми? Демак, турмуш ўртоғинг билан бирга яшаш ҳам ғанимат экан-да. Биз битта аччиқ ҳақиқатни тан олгимиз келмайди, бу ўлим. Ўлим биз туғилган куни туғилган уям. Кимнидир у туғилган заҳотиёқ олиб кетади. Кимнидир 5 йилдан кейин, кимнидир 15-40-60-80 йилдан кейин олиб кетади. Одамзот изтиробдан қон-қон йиғлаб турганида ҳам, ё хурсандлигидан қаҳ-қаҳ уриб кулаётганида ҳам, ҳатто энг яқин кишилари даврасида, энг азиз кишилари қучоғида қувончдан боши кўкка етиб турганида ҳам ўлим у билан ёнма ён турган бўлади. Бу аччиқ ҳақиқатни унутма, синглим. Турмуш қурган кунингдан бошлаб турмуш ўртоғингга, умрингнинг йўлдошига, бошингнинг эгасига Оллоҳдан умр тилаб тур. Сен унга ғанимат деб қара, шунда унинг дилига озор етказишдан ўзингни тиясан. Сен унга ғанимат деб қара, шунда уни авайлашга ҳаракат қиласан.

Сен унга ғанимат деб қара шунда унинг қадрига эртароқ етасан.

"Эрни эр қилган ҳам хотин, қаро ер қилган ҳам хотин". Сингилжоним, сендан ҳам олдин қанчадан қанча аёллар турмуш қуришган. Сендан олдин ҳам қанча аёллар, эрни эр қилишган ва афсуски яна қанчаси қаро ер қилишган. Айрим кўча безори, ичкиликка берилган йигитларнинг уйланиб, оила аъзоларига меҳрибон, меҳнаткаш яхши одам бўлиб қолганини эшитиб қолсам, уларнинг аёлларига раҳматлар айтгим келади. Аксинча, кечагина мўмин-қобил бўлган йигитларнинг уйланиб кўрс-кўпол, жоҳил, ичкиликка берилиб кетганини эшитсам уларнинг аёлларидан хафа бўлиб кетаман. Биз аёллар эркак кишига тобе ҳисоблансак-да, нимагадир:"- Эрни эр қилган хотин", дейишади. "Хотинни хотин қилган эр", деган мақол йўқ, нимага шундай экан-а синглим. Ёши анчага бориб қолган бир аёлдан сўрадим: «Эрингиз жуда кўп ичса, қандай қилиб у билан шунча йил яшагансиз, қандай чидагансиз? Мен борига шукр қилдим, болам»,- дейди онахон. - Унинг ичганидан қолгани бир сўм бўлсаям, худога шукр шуям қолмаганда нима қилардим, деб ўзимга ўзим тасалли бериб яшадим. Эри ичкиликка берилган яна бир аёл гарчи эридан ҳақоратлар эшитиб турса ҳам у ҳақда фахрланиб гапиради. Тўғри, эрим ҳафтада 4-5-марта ичади. Гарчи ичган кунлари сўксаям, урсаям лекин ичмаган кунлари менга меҳрибон, кечирим сўрайди ишларимга қарашади, шунинг учун...

Бунақа сабрли-қаноатли, бағри кенг аёлни Оллоҳ ўз паноҳида асрасин. Унинг яхши кунидан ёмон куни, унинг кулган кунидан йиғлаган куни кўп. У шунисигаям шукр қилади.

"Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил",- синглим, бу доно мақолга амал қилсанг ҳечам кам бўлмайсан. Ғаллаорол туманига қарашли қишлоқларнинг бирида "Пайшанба бозори" бор. Пасту баланд қирларнинг орасида жойлашган бу бозор Тошкентдаги "Олой бозори"ни эслатади. Ёз ойлари мен шу бозорга, сабзи, картошка ва бошқа ҳар хил маҳсулотлар олиб бориб сотаман. Кунларнинг бирида, истараси иссиқ, қорачадан келган ёшгина бир аёл менга тикила-тикила ёнимдан ўтиб кетди.

(Давоми бор.)

Раъно АВАЗОВА

Жиззах вилояти

ЕСАНГИЗ АСАЛ — БЎЛМАЙСИЗ КАСАЛ

Бир томчи асалда одам организми учун ниҳоятда муҳим бўлган 70 дан ортиқ моддалар бор. Асосий таркибий қисми - углеводлар: глюкоза (узум қанди) ва фруктоза (мева қанди). Оддий қандга қараганда асални организм анча енгил сингдириб, мускул кучи сақланишига, бекаму кўст ўсишга ёрдам беради, бу эса айниқса ёш болалар учун муҳим.

Асал моддалар алмашинувини яхшилайди.

Асал таркибидаги оқсиллар гормонлар ҳосил бўлишида қатнашади. Асалда тузлар сифатида бўладиган минерал моддалар нерв системаси, тўқималарнинг нафас олишини, қон яратилишини бошқаради. Асал хусусан юраги касал одамларга фойдали. Агар бундай бемор 1-2 ой давомида ҳар куни 50 граммдан асал еб турса, умумий аҳволи анча яхшиланади.

Асал меъданинг "энг яхши дўсти", деган ибора бор. Меъда ярасида масалан, ҳар куни эрталаб 30 граммдан овқатланишдан 1,5-2 соат олдин ва овқатлангандан кейин 3 соат ўтгач асал еб турилса жуда фойда бўлади.

Асал ўпкани балғамдан тозалайди. Жигар ва ўт йўллари касалликларида асални лимон шарбати ва зайтун мойи билан қўшиб истеъмол қилинса фойдали бўлади.

Асал аёлларнинг кўпгина касалликларига шифо бўлади. Аёллар чеҳрасига чирой беради.

Шамоллаганда асалдан яхшиси йўқ. Бир ош қошиқ асални бир стакан илиқ сутда эритиб ёки лимон шарбатига (0,5-1та лимон, 100 грамм асал) қўшиб ичилса шамоллаш ўтиб кетади. Турпни яхшилаб ювиб, ичини ўйиб, 2 қошиқ асал солиб, устини тоза қалин қоғоз билан ўраб, 3-4 соат тик ҳолатда қўйиб қўйинг-да, ҳар куни овқатланишдан ва ухлашдан олдин бир чой қошиқдан 3-4 маҳал ичиб турсангиз, йўталингиз қолади.

Асал қадим замонлардан бери тери касалликларини даволашда, жароҳатни битиришда, организм қаришининг олдини олишда қўлланиб келинади. 1 стакан илиқ сувда эритиб, кечқурун юзингизни ювиб турсангиз ажинлар силлиқлашиб, юз териси чиройли, жозибали бўлади.

Лекин эҳтиёт бўлинг, асални кўпроқ еб қўйганда баъзан одамнинг бадани қичишади, боши оғрийди, ичи кетади. Хусусан қандли диабети бор беморлар асал ейишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашганлари маъқул.

Катта ёшли одам бир кунда бўлиб-бўлиб, 60-100 грамм асал еб туриши керак, болаларга бунинг ярми етади.

Асални профилактика мақсадида еб туриш умрни узайтиради, иммунитетни орттиради, организм кўпчилик касалликларни енгил кўтаради.

Иложи бўлса, ҳар куни бир чой қошиқ асални 100 грамм илиқ сувда эритиб, нонуштадан 30 дақиқа олдин, тишларни тозаламай туриб, ичиб туриш керак. (Шуни унутмаслик керакки, сув ҳарорати 50 даражадан ортиқ, яъни қайноқ бўлса асалнинг шифобахшлик хусусияти йўқолади). Гастрит, меъда яраси, холецестит ва панкреатит ривожланмайди. У меъда-ичак йўлидан ўтиб, зарарли бактериялар ва микробларни ўлдиради, меъда-шиллиқ қавати ҳолати доимо яхши бўлади, у ерда ҳосил бўлган яралар битади.

Иккинчидан асал чой жуда кучли антиоксидант хусусиятга эга бўлганидан ўсма жараёнлари ривожланишига йўл қўймайди.

Учинчидан асал ажойиб табиий антидепрессант ҳисобланади, уни еганда одамнинг ақли тиниқ бўлади.

Аёлларда климакс бошланаётган даврда асал еб турилса, климаксга хос ҳолатлар анча енгил кечади. Асалнинг ҳатто ҳиди ҳам умрни узайтиради.

Қабзиятда, меъда ва ичакнинг яра касалликларида ҳам асал яхши даво бўлади. Бактерияларга қарши курашиш хусусияти борлиги учун у тез айниядиган маҳсулотларни консервалашда муҳим рол ўйнайди.

Узоқ вақтгача битмайдиган жароҳат ва яраларни даволашда қўйидагилардан малҳам тайёрланади: 80 гр. асал, 20 гр. балиқ мойи, 3 гр. ксероформ кукуни. Мана шундай усулда тайёрланган дори тозаланган ярага суртиб, боғлаб қўйилади.

Асалнинг даволаш самарасини ошириш учун унга антибиотиклар (пенциллин, стрептомицин) ҳам қўшиш мумкин: 0,5 пенициллин бирлик, 2 гр. новокаин, 5 гр. балиқ мойи, 10 гр. асал. Бундай дорини ярага қўйиб, бинт билан ўралади, ҳар куни аралаштириб турилади. Даво курси 3 ҳафта давом этади.

Ҳалқ табобатида асал шифобахш гиёҳлар дамламаси ёки қайнатмасига қўшиб, турли жароҳатлар ва яраларни даволашда қўлланади: 50 гр. эвкалипт баргига 0,5 литр сув солиб, 4 дақиқа дамланади. Докада сузиб олингач, 2 ош қошиқда асал қўшилади. Тайёр дамлама билан жароҳатлар ювилади.

Бир ош қошиқ мойчечак гули 1 пиёла қайноқ сувда 10 дақиқа дамланади. Совутиб, докадан сузилгач, бир чой қошиқ асал қўшилади. Оғиз оғриганда, томоқ безлари яллиғланганда ушбу дамлама билан оғиз чайилади, йўғон ичак деворларининг яллиғланишидан эса ҳуқна (клизма) қилинади.

Асал таркибида қанд ва органик кислоталар кўп бўлгани учун меъда-ичак йўли шиллиқ қаватига таъсир этиб, енгил сурги бўлади. Бунинг учун кишига 50-100 гр. тоза асал ейиш ёки уни сувда эритиб ичиш кифоя.

10-20 гр. асалдан ҳуқна қилса ҳам бўлади. 5-8 ёш болаларнинг ичи юришмаса, 30 гр. асални иссиқ сутга қўшиб, кечқурун ётиш олдидан ичирилади.

Сабзи, ерқалампир шарбати, асал ва лимон тенг миқдорда олинади (ҳар биридан бир пиёладан) ва яхшилаб аралаштирилади. Тайёр маҳсулотдан қон босими ошганда 2 ой мобайнида бир ош қошиқдан 3 марта ичилади.

Асал, анор шарбати билан ичилса, бўшашган мушакларга ёрдам бўлади. Юрак касалликларида уни бир ош қошиқдан кунига 2-3 марта сут, творог ёки бошқа хил сут маҳсулотлари билан истеъмол қилиш даркор.

Асал ва пиёз аралашмаси эрталаб ва кечқурун ейилса, паришонхотирликда яхши наф беради.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар қайси касалликка алоҳида асал тури танланиши лозим. Масалан, юқори нафас йўллари шамоллаганда тоғ асали, ҳазм йўллари хасталанганида чўл асали, юрак касаллигида ўрмон асали, буйрак касаллигида каштан асали қўлланади.

Ҳалқ табобатида асал, жигар касаллигида кенг қўламда ишлатилади. Жигарда моддалар алмашинувида асал фаол иштирок этади, ундаги глюкоген заҳирасини оширади. Сариқ касаллигида яхши наф беради. Бунда эрталаб ва кечқурун 1 чой қошиқдан асал, олма шарбати билан қўшиб ичилади.

Асални сопол ёки шиша идишда қоронғу ва салқин жойда сақлаш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ
доришунос

Табобат НОМА

СИРКАЛИ КОКТЕЙЛ

Сирканинг ажойиб даволаш хусусияти ҳам борлигини биласизми?

Мен мана бундай коктейл тайёрлаб кўришингизни маслаҳат бераман: уй ҳароратида турган бир стакан сувга 1 ош қошиқда сирка ва бир чой қошиқда асал қўшиб, аралаштириб, секин-секин ичинг. Сиркали коктейл моддалар алмашинувини, қон айланишини яхшилайди, ошқозон фаолиятини яхшилашда ёрдамлашади ва касал қўзғатувчи микробларни ўлдиради.

Шунингдек, тушки ва кечки овқатланиш олдидан икки ош қошиқ сирка қўшилган бир стакан сув ичиб юбориш фойдалидир. Бу сизга ҳеч қандай парҳезсиз озишга ёрдам беради, чунки сувда эриган сирка организмдаги ортиқча ёғларни осонликча эритиб юборади ва иштаҳани сусайтиради.

Томоқ оғриғи ва йўтални тўхтатишда ҳам сиркадан фойдаланса бўлади. Бир стакан илиқ сувга 3 ош қошиқ сирка ва 2 ош қошиқ асал солиб эритинг. Бу аралашмадан кунига уч мартадан томоқни чайинг. Ҳар чайганингизда сув янгитдан тайёрланган бўлиши керак. Бошқача усули ҳам бор: илиқ сув ва сирканни тенг миқдорда аралаштириб, ҳосил бўлган суюқликдан 10 дақиқа давомида оғиз билан нафас олинг.

Оёкда замбуруғ туфайли юзага келадиган касалликка ҳам сирка яхши даводир. Сирка билан ҳўлланган тоза латта билан замбуруғли жой яхшилаб суртилади.

Шаҳар чеккасига чиқаётган пайтингизда сув билан сиркани бир хил миқдорда қўшиб, ҳосил бўлган суюқлик билан баданингизни очиқ жойларини артиб чиқинг - сизга ҳеч қанақа ҳашарот яқинлашмайди.

А.РАМАЗОНОВА,
шифокор

Бошидан ўтказган табиб...

ШАМОЛЛАГАНДА... ҲЎЛ ПАЙПОҚ КИЙИНГ

Балки сиз ишонмассиз, лекин биз оиламиз билан шамоллашни енгувчи ажойиб усулни ишга соламиз. Бу усулни сиз ҳам ҳеч қўрқмай амалга оширишингиз мумкин.

Тумов бўлиб, йўтала бошласангиз, нафас олишингиз қийинлашгудек бўлса пахтадан қилинган пайпоқни совуқ сувга ботириб олинг ва яхшилаб сиқинг. Ҳўл пайпоқни кийишдан аввал оёқни 10-15 дақиқа иссиқ сувда тутинг ёки иссиқ ванна қабул қилинг. Оёққа аввал ҳўл пайпоқни, устидан қалин жун пайпоқни кийинг-да, дарҳол ўринга ётинг. Тун бўйи пайпоқларни ечманг. Уч кеча шундай қилинг ва шамоллаш тезда ўтиб кетганини кўрасиз.

Э. ШОКИРОВА

СОДДА ВА ФОЙДАЛИ

Зубтурмнинг янги баргларини майдалаб тўғраб, эзиб сувини олинади, у яллиғланишга қарши ва қонни тўхтатувчи ажойиб восита ҳисобланади. Баргларнинг суви ёки бўтқасини жароҳат устига қўйилади. Ҳар 2-3 соатда янгилаб турилади.

Сабзини қириб, ўша заҳоти жароҳатга қўйиб, устига ёғли қоғоз ёпиб, бинт билан боғлаб қўйилса, жароҳат тезроқ битади. Сабзига озроқ асал қўшсангиз яна ҳам яхши бўлади.

Қичитқи баргларини эзиб, сувини ёки ўзини чакиб, жароҳатга қўйилса, жуда яхши шифо бўлади.

Олча барглари қон тўхтатувчи таъсирга эга. Олчанинг баргларини қуритиб, эзиб, жароҳат устига сепилади ва баргларининг суви билан олиб жароҳат ювилади.

Селдерейнинг янги баргларини тузсиз сариёғда эзиб, жароҳат ёки яра устига қўйилади. Беда, қулупнай, қичитқи, очамбити гуллари ва барглари ҳам шундай таъсирга эга.

САЛОМАТЛИК КАЛЕНДАРИ

1-2 апрел кунлари кўриш қобилиятингизга фойда берадиган муолажалардан фойдаланинг. Кўзларингизни толиқтирадиган ҳолатлардан сақланинг. Овқатланиш тартибингизга эътибор беринг. Ошқозонга қаттиқ ботмайдиган ва тез ҳазм бўладиган озиқ-овқатларни истеъмол қилиб, камроқ суюқлик ичиш тавсия этилади.

3-4-5 апрел кунлари томоқ, бурун, кўлоқ, томоқ безлари, қон айланиш бузилиши хасталикларига мойиллик кучаяди. Шамоллаб қолиш эҳтимоли бор. Шунинг учун ўзингизда шу хасталикларни сезишингиз билан унинг олдини олишга харакат қилинг. Бунинг учун қайноқ ванна қабул қилиш, лимонли, малинали чой ичиш тавсия этилади. Шу даврда ошқозоннинг ҳам фаолиятида нохушликлар сезилиши мумкин. Унинг олдини олиш учун янги ва тоза маҳсулотлардан тайёрланган овқатларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

3-апрел - дам олиш, кайфиятни яхшилаш учун ҳам жуда қулай.

4-апрел куни куч-қувватни ошириш учун спорт машғулотлари билан шуғалланиш яхши самара беради.

5-апрел - уриш-жанжаллар чиқиши, кайфиятингиз бузилиши ёки шикастланишга мойил бўлган хосиятсиз кун ҳисобланади.

6-7 апрел - кафтингиз, қўл, бармоқлар ва ўпкада хасталиклар пайдо бўлишига мойиллик бўлиб, 7-апрел куни айниқса ҳар хил жисмоний, оғир ишларни қилишдан сақланиш тавсия этилади. Шу куни кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилиш фойдали. Темир моддасига муҳтожлик сезилади. Буни танангизда пайдо бўлган холсизликдан сезсангиз бўлади. Темир моддаси кўпроқ олмада, ҳар хил меваларда, шолғомда, жигар ва буйрак гўштларида, тухум сариғида, қоқи ўтида, қуритилган мевалар ва ҳоказоларда бўлади. Сиз улардан хоҳлаганингизни истеъмол қилсангиз, ўзингизга керакли темир моддасини, шу билан бирга С ва B_{12} витаминларини ҳам оласиз.

8-9 апрел кунлари совуққотгандек, жунжикиш ҳолатини, кайфиятингизнинг ёмонлашувини сезасиз. Шунингдек ўпка, ошқозон, жигар ва ўт пуфаги каби аъзоларингиздан бири безовта қилиши мумкин. Танангиздаги шу органлар фаолиятини меёрида сақлаш учун бўтқасимон овқатларни дуккакли ўсимликлардан пишириб, истеъмол қилиш яхши фойда беради. Бундай овқатлар ҳам фойдали, ҳам ошқозон-ичак фаолиятини бузилишдан сақлайди. Ошқозон-ичак фаолиятини бузилиши, организмда B_2 витамини етишмаслиги ёки кайфиятнинг бузилишидан бошланиши мумкин. Шунинг учун кундалик овқатланишингизга карам, олма, шолғом, ловия, помидор, бодом каби маҳсулотларни қўшсангиз яхши фойда беради.

8-апрел - очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилинг.

9-апрел куни ҳар хил оғир, жисмоний меҳнатларни камайтиринг.

10-11-апрел кунлари бутун фикрингизни юрак ва юрак қонтомирлари фаолиятига қаратинг. Тез жаҳли чиқадиган, юрак ҳасталиги борлар ўзларини ҳар хил нохушликлардан асраганлари маъқул. Нохушликлардан сақланиш ва унинг олдини олиш учун кўпроқ С витамини бор маҳсулотлардан истеъмол қилиш тавсия этилади. Масалан, лимон, карам, қизил булғор қалампири, наматак димламаси, ширин чой, смородинали чой ва ҳоказолардан фойдаланиш яхши натижа беради.

10-апрел куни бутун танани уқалаш, **11-апрел** куни чўмилиш, ванна қабул қилиш жуда фойдали ҳисобланади.

Хуллас, юқоридаги маслаҳатларга амал қилсангиз ҳеч қандай хасталик сизни безовта қилмайди.

Анора НАРЗИКУЛОВА
тайёрлади

ТУШ КЎРИШ НИМА ЎЗИ?

(Боши ўтган сонларда.)

Тун ярмида ўша жойга келиб, янги уй эгасига воқеани тушунтиришган экан. У келганларни ичкарига таклиф қилибди. Дантенинг ўғли, дарҳол отаси айтган хонага кириб, устига парда тутилган токчада турган ва чанг босиб кетган қоғозлар ичидан асарнинг охирги "Жаннатда" деб номланган қисмини топибди. Ҳозирги кунда Дантенинг шу асари энг машҳур асарлар қаторидан ўрин олган.

Ўз яқинларига ёрдамга келган марҳумларнинг туш орқали мулоқатларини гарчи ҳеч ким ҳали тушунтириб бера олмаса-да, лекин борлигини ҳам ҳеч ким инкор этолмайди. Демак, тириклар ва марҳумлар ўртасида бир нарса у ҳам бўлса туш орқали мулоқат бор экан. Демак, тушларнинг ўзи ҳам алоҳида бир қонун-қоидаларга бўйсинаркан-да, деган фикрлар пайдо бўлади. Лекин, барибир саволлар жавобсиз қолаверади...

Тушларнинг дунёси ҳамон жумбоқлигича қолаяпти. Американинг Пенсильван университетнинг таниқли археолог олими Герман Гилперехт узоқ йиллар давомида жуда кўп археологик қазилмаларда иштирок этган. Экспедицияларнинг бирида икки дона қимматбаҳо тошларни - ақиқларни топиб олади. Улар ҳақида ўзининг археологик қазилмалар китобида ёзади. Лекин, ақиқлар ҳақидаги фикри тўлиқ бўлмаганлиги сабабли уни чоп эттиришга беролмасдан ўйланиб юради. Китоб чоп этилиб кетса, худди нимасидир кам бўлиб, кўнгилдагидек чиқмаслигини сезиб нима қилишини билмай қолади. Одатдагидек, бир куни олим ўз креслосида ўтириб ўйларкан, шу ўтиришда ухлаб қолади ва туш кўради. Тушида қарасаки, тепасида кўринишидан ўрта яшар, эгнида қадимий шарқ роҳибларининг кийимидаги киши пайдо бўлибди ва олим ўрнидан турган экан, ўтирган жойи кресло эмас балки, аллақандай тошдан бўлган зинапоялар эмиш.

- Орқамдан юр. Мен сенга ёрдам бераман,- дебди роҳиб ва йўл бошлабди.

Улар бир-бирига қараб турган бинолардан бирига киришибди. Сўнгра хира ёруғлик тушиб турган йўлаклардан ўтиб каттагина бир хонага киришибди.

- Биз қаердамиз,- сўрабди олим.

- Биз Нишопурдамиз. Тиғир ва Ефратнинг оралиғида. Худолар отаси ибодатхонасидамиз дебди роҳиб ва хазиналар сақланадиган хонага уни олиб кирибди-да, сўнг шу хонада турган сандиқни очибди. Сандиқ ичида бир неча дона ақиқ ётган экан ва улар орасидан у ўзи топган икки дона ақиқни ҳам кўрибди. Роҳиб унга ақиқларни совға қилган хукмдорнинг номини ва бу ақиқларнинг иккитасидан Худолар отасининг ҳайкалини қуришганида қулоғига зирак тузатилганлигини айтиб берибди. Уйғониб кетган олим тушида роҳиб кўрсатган илоҳий ибодатхонани ҳеч қийналмай топибди ва тушида кўрганлари тасдиқланибди. Шундан сўнг у ўзининг археологик қазилмалар ҳақидаги

китобига ақиқлар ҳақида тўлиқ ва тўғри маълумотларни киритиб чоп эттирибди. Китоби эса жуда катта аҳамиятга эга бўлган китоблар қаторидан ўрин олибди.

Америкалик Брет Гарт исмли ёзувчи Англияга меҳмон бўлиб келган экан. Дўстлари уни бир вақтлар Байрон исмли шоир яшаган уйга жойлаштириб унинг ётоқхонасидан жой қилиб беришибди. Кимнинг ётоқхонасида ухлаётганини билган америкалик ёзувчи шоирни эслай-эслай ухлаб қолган экан. Тушида олдига Байрон келибди. Иккаласи роса суҳбатлашибди. Хайрлашиш олдидан Байрон ёзувчига бинодан чиқиб кетадиган хуфия йўл борлигини айтибди-да, ўзи олдинга юриб, зинапоялардан тушиб йўл бошлабди ва бир жойга келганида: "Бу ердаги зинапоя синган, эҳтиёт бўлинг",- деб кўрсатиб ўтибди ва йўлнинг қаердан чиқишини кўрсатиб, кейин кетибди. Уйқудан уйғонган ёзувчи кўрган тушини дўстларига айтган экан, улар қизиқиб қолишибдида, дарҳол устани чақириб ёзувчи кўрсатган деворни бузишса ҳақиқатан ҳам махфий йўл бор экан. Аста-секин зинапоялардан туша бошлашибди. "Бу ердаги зинапоя синган эҳтиёт бўлинг",- деб кўрсатиб ўтган жойи ҳақиқатдан ҳам синган экан. Хуллас, йўл худди Байрон ёзувчи тушида кўрсатгандек бўлиб чиқибди.

Яна бир воқеа, Американинг Чикаго шаҳрида яшайдиган бир қизнинг акаси йўқолиб қолибди. Қанча излашса ҳам топишолмабди. Шундан сўнг қиз тушида акасини кўрибди. Акаси синглисининг ёнига келиб, йўқолиб қолганининг сабабини айтибди. Яъни уни ўлдиришганини, бу воқеа қандай содир бўлганлигини, ким ўлдирганини ва қаерга кўмилганлигини гапириб берибди. Сўнгра олиб бориб ўлдирган одамни ва ўзи кўмилган жойни кўрсатибди. Қиз ҳамма гапни билиб олганидан сўнг уйқудан уйғониб кетибди ва полицияга бориб тушида кўрганларини айтиб берибди. Лекин, аввалига полициядагилар унинг гапларини эшитишни ҳам хоҳлашмабди. Қиз: "Бўлмаса акамни топиб беринглар" - деб қаттиқ талаб қўйган экан, улар ноилож рози бўлишибди. Қиз айтаётган ягона йўл, яъни тушидаги йўл орқали акасини ахтаришга киришибди. Қиз полиция инспекторини акаси тушида кўрсатган йўллар билан акаси кўмилган жойга олиб борибди. Ковлаб кўрсалар ҳақиқатдан ҳам акаси ўлдирилган бўлиб чиқибди. Сўнгра ўлдирган одамни кўрсатибди. Қотилни қўлга олганларида ўз айбини тан олибди.

Шундай тушлардан яна бири Цицерон исмли кишига таллуқли бўлиб у бир куни ўз дўсти билан бир шаҳарга меҳмон бўлиб боришибди, лекин негадир иккаласи икки меҳмонхонага жойлашибди. Хуллас, ўзи жойлашган хонада Цицерон эндигина уйқуга кетган экан, тушига дўсти кирибди ва:

- Дўстим, нима учундир меҳмонхона хўжайини мени ўлдирмоқчи. Тезроқ кел, мени қутқар,- дебди. Лекин, Цицерон уйқудан уйғонмабди. Дўсти яна тушига кириб:

- Тезроқ югур, илтимос,- деб илтижо қилибди. Лекин у уйқудан уйғонмабди. Учинчи марта унинг тушига кирган дўсти:

- Шунча ялиндим келмадинг, ҳаммаси тамом бўлди. Меҳмонхона хўжайини мени ўлдирди,- дебди. Ва сўзини давом эттирибди. Эрталаб тонг отиши билан туриб югурсанг, аравага ўлигимни солиб кетаётганини кўрасан. Худо хайрингни берсин, ўрнингдан тур, ҳеч бўлмаганда ўз қадр-қимматимга яраша мени дафн қил ва мени ўлдирган кишининг жазосини бер,- дея ялинибди. Цицерон уйқудан уйғониб кетиб, дўсти ётган меҳмонхонага қараб югурибди. Қараса ростдан ҳам меҳмонхона дарвозасидан устига нимадир ортилган арава чиқиб келаётган экан. Югуриб бориб қараса, ҳар хил ахлатлар тагида дўстининг ўлиги ётган экан. Дарҳол қотилни топиб унинг жазосини берибди. Дўстини эса ҳурматини жойига қўйиб дафн этибди.

Бундай тушлар ҳақида нима дейишни ҳам, уларнинг қандай содир бўлишини ҳам ҳеч ким билмайди. Фақат бир нарса аниқ — у ҳам бўлса тирик инсонларнинг марҳумлар билан мулоқотлари тушлар орқали содир бўлади. Тушлар икки дунё оралиғидаги мулоқот жойи эканлигини менимча ҳеч ким инкор эта олмаса-да, уларнинг нега ва қандай содир бўлишини ҳам айтиб беролмайди.

Тушлар ҳақида қизиқарли воқеаларни ўқир экансиз ҳар битталарингизда ёки айрим кишиларда юқоридагидай тушлар асосида воқеалар содир бўлиб ўтгандир. Бизга шулар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Лола АҲМЕДОВА

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

ҚЎЙ
(21.03 — 20.04)
Ўзгалар бу борада маслаҳат беришса эшитинг. Аммо, ўз қароингиз тўғри эканлигини унутманг. Душанба омадли кун.

СИГИР
(21.04 — 21.05)
Ҳаётингиз яхши томонга ўзгаради. Сизга омаднинг кулиб боқиши ҳаммага ҳам ёқавермайди. Сал эҳтиёткор бўлишингизни маслаҳат берамиз.

ЭГИЗАКЛАР
(22.05 — 21.06)
Ҳафтанинг бошланишини ўзингиз севган инсон билан ўтказасиз. Қолган кунларни эса кўнгилли машғулотларингизга бағишланг. Якшанба куни кўпроқ сайр қилинг.

ҚИСКИЧБАҚА
(22.06 — 22.07)
Муваффақиятли якунланган олди-сотди ишларингиздан сўнг хордиқ чиқаринг. Соғлиғингиз ҳақида ўйланг. Шифобахш ўтлардан истеъмол қилинг.

АРСЛОН
(23.07 — 23.08)
Янги танишлар орттирасиз. Улар орасидаги тадбиркорлардан бири билан тузган битимингиздан мўмай фойда оласиз.

БОШОҚ
(24.08 — 23.09)
Бир-бирига ўхшаш кунлар сизни толиқтирган. Шу ҳафта янги костюм сотиб олиш учун қулай. Омадли харид кайфиятингизни кўтаради.

ТАРОЗУ
(24.09 — 23.10)
Сиз ғийбатларни ёқтирмайсиз. Бироқ қутилмаганда ғийбатчилар даврасига қўшилиб қолишингиз хавфи бор. Нотаниш давралардан четда бўлганингиз маъқул.

ЧАЁН
(24.10 — 22.11)
Беҳуда ишлар билан ўзингизни зўриқтирманг. Яхшиси оила аъзоларингиз билан яқин дўстларингизникига меҳмонга боринг. Ёки уйингизга меҳмон чақиринг. Хурсандчилик қилинг.

ЎҚОТАР
(23.11 — 21.12.)
Илмий ишларингиз яхши баҳоланади ва сизга бахт кулиб боқади. Лекин, бу келгусида янада кўпроқ меҳнат қилишингизга тўғри келади. Чоршанба куни янгилик эшитасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ
(22.12 — 20.01)
Ушбу ҳафтада тижорат ишлари билан шуғулланмаганингиз маъқул. Яхшиси ижодий ишларингизни охирига етказинг. Ажойиб мақтовлар эшитасиз.

ҚОВҒА
(21.01 — 18.02)
Зиммангизга юкланаётган маъсулиятли вазифадан чўчиманг. Сиз уни уддалайсиз ва кўп ишларни тадбиркорлик билан амалга оширасиз.

БАЛИҚ
(19.02 — 20.03)
Дарҳол таътилга чиқинг. Асабларингиз ниҳоятда чарчаган. Бу эса ҳамкасбларингиз билан низо чиқишига олиб келиши мумкин.

Б. САЙИДАЛИЕВА тайёрлади

Баҳорнинг иккинчи ойи бўлмиш апрел, қадимий византияликларнинг севги-муҳаббат ва ҳосилдорлик худоси бўлмиш - Афротида шарафига аталган бўлиб, лотинча "априлис" сўзи, очилиш, гуллаш, яшнаш маъносини англатади. Апрелда мевали дарахтлар чамандек гуллайди, куртак чиқаради. Бутун олам гўёки келинчакдек гўзалликка бурканади. Лекин мунажжимлар фикрича, апрел ойини баъзилар учун омадли деб бўлмайди. Иложи борича ўзаро муносабатларда ҳар хил кўнгилсизликлардан сақланиб иш кўриш тавсия этилади. Апрел ойида сувдек шаффоф, тиниқ нарсалардан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, олмос кўзли зираклар, биллур идишлар. Шунда омад албатта, сизга кулиб боқади. Энди апрел ойида бизни нималар кутаётганлиги ҳақида сўз юритамиз.

ҚЎЙ (21-март - 20-апрел)

Ўзингизни тута билиш, жиддийлик ва ҳар нарсани пухта ўйлаш қобилиятингиз сизга апрел ойида омад келтиради. Омад бўлганда ҳам ҳар томонлама ва юқори даражали. Муҳим масалаларда масалан, янги уй сотиб олиш, янги уйга кўчиш, яхши ишга кириш, ниҳоят ўз бахтини топиб, турмуш қуришдек ишларни аъло даражада бажара оласиз. Бажарганда ҳам ўз-ўзидан худди, хамирдан қил суғургандек, осонгина амалга ошиши мумкин. Лекин ойнинг иккинчи ўн кунлигида, озроқ дам олиб, соғлиғингиз ҳақида ҳам қайғуринг. Оила, рўзғор ишларига эътибор берсангиз ёмон бўлмайди. Ойнинг охирги ўн кунлигида жуда кўп кутилмаган совғалардан хурсанд бўласиз. Сизни ажойиб учрашувлар кутади. Гарчи бу учрашувлардан орттирган дўстларингиз билан дўстлигингиз узоққа чўзилмасада, ўзингиз учун хуш келадиган янгиликлардан воқиф бўласиз. Бу сизга яхши кайфият бағишлайди.

БУЗОҚ (21-апрел - 20-май)

Бажармоқчи бўлган ишларингизни иложи борича бошқалардан сир сақланг. Ой бошидаги икки ўн кунликда, сизга ончалик осон бўлмайди. Бироқ, астасекин ишларингиз яхшиланиб кетишига умид қилсангиз бўлади. Бу ойда шерикчилик билан бажарадиган ишларингиздан иложи бўлса сақланинг ёки жуда ҳушёрлик билан ёндашинг. Акс ҳолда сизни алдаб кетишлари мумкин. Ойнинг иккинчи ўн кунлигида ишларингиз жудаям кўпайиб кетиб, ўзингизни жуда ғайратга тўлгандек ҳис этасиз. Аста-секин режаларингизни ишга солинг, бироқ жудаям ҳушёр бўлинг. Шунда апрел ойи сиз учун омадли бўлади.

ЭГИЗАКЛАР (21-май - 20-июнь)

Ўтган ойда ҳаётга бўлган ишончли қарашларингиз ғайратингизга ғайрат қўшганлигини сезасиз. Гўёки, барча ишларни осонгина бажара олишга қодирсиз. Ҳақиқатан ҳам табиатдан олаётган қувватингиз жуда яхши бўлиб шу қувватни қандай сарфлаш ўзингизга боғлиқ. Бу сизнинг атрофдагилар билан ўзаро мулоқотингизга, боғлиқ. Агар шеригингизга ўз таъсирингизни ўтказа олмаётган бўлсангиз, яхшиси тортишиб юрманг. Ойнинг иккинчи ўн кунлигида соғлиғингиз ҳақида ўйласангиз яхши бўлади. Иложи борича, ҳушёрликни қўлдан берманг. Акс ҳолда маблағ томондан куйиб қолишингиз мумкин.

Ўз жинсингиздан бўлмаган шахс бошингизни айлантириши мумкин. Ундан ўзингизни тортганингиз маъқул. Ундан сизга фойда йўқ. Шунинг учун ўзингизнинг асосий вазифангизни, ишларингизни унутмаганингиз маъқул.

КИСКИЧБАКА (20-июнь - 20-июль)

Бутун апрел ойи давомида ҳаётингиз тинч, осуда, бир текисда ўтиши кутилади. Ҳаётингизнинг бир текисда ўтишидан, руҳиятингиз кўтарилиб, келажакка ишончингиз ортади. Лекин, мунажжимлар айтишича, апрелнинг иккинчи ўн кунлигида шахсий ишларингизни бажаришга, табиат қўйнида дам олишга ҳаракат қилинг. Шунингдек соғлиғингизга эътибор беринг. Сурункали касалингиз безовта қилиши мумкин. Ойнинг учинчи ўн кунлигида ишларингиз ҳар томонлама яхшиланади. Ҳатто, юқори лавозимга ҳам кўтарилишингиз ёки чет эл сафарларига ҳам боришингиз мумкин. Сиздан яхшилик кўрган одамлар сизни хурсанд қилишлари мумкин. Атрофдагилар билан муносабатда, зиёлиларга хос хусусиятингиз бўлса муваффақият сиз томонда бўлади. Бошқа жинсдан бўлганлар эътиборини қозона оласиз. Турмуш қурмаганлар ҳақиқий севгиларини учратишлари мумкин.

АРСЛОН (21-июль - 21-август)

Апрел ойида, бошқалар ҳавас қилса арзийдиган мустаҳкам муваффақиятга эришишингиз мумкин. Лекин, бунинг учун барча тажрибаю, билимларингизни ишга солиб, ишга киришишингиз керак. Бу пайтда барча майдачуйда ишлардан, вақтингизни беҳуда олувчилардан воз кечинг. Ҳар хил орзу-хаёлларга ҳам берилманг. Ана шунда, ишларингиз яхшиланиб, янги дўстлар, ҳамкорлар билан танишасиз. Ойнинг иккинчи ўн кунлигида режалаштирган ишларингизни яна бир бор сарҳисоб этсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Бировлар билан бажаришга келишилган ишларингизни охирига етказмаслигингиз ёки зиммангизга олган вазифангизни бажармаслигингиз мумкин. Шундай бўлишидан сақланинг. Ойнинг охирги ўн кунлигида барча соҳада ишларингиз яхшиланади.

БОШОҚ (22-август - 20-сентябр)

Ойнинг бошларида одатдагидай кундалик ишларингизни бажарасиз. Ҳаётингизда ўзгаришлар бўлмайди. Зиммангизга ҳеч қандай янги вазифаларни олмайсиз, хатто улар сизга муваффақият келтириши кутилаётган бўлса ҳам. Ойнинг иккинчи ўн кунлигида молиявий аҳволингиз ончалик ўзгармайди. Ҳамкорликда ишлаётганлар билан ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, ҳалол бўлишга ҳаракат қилинг. Алданиб қолишдан сақланинг. Ойнинг учинчи ўн кунлигида барча соҳада ҳам ишларингиз яхши томонга бирданига ўзгариши кутилади. Хатто, кўпроқ маош оладиган ишга ўтишингиз ёки ҳозирги ишлаётган ишингизда яхшигина маблағга эга бўлишингиз мумкин. Севги-муҳаббат бобида ҳам ҳақиқий севгингизни топишингиз ёки шиддамларни ўтказишингиз мумкин.

ТАРОЗИ (24-сентябр - 23-октябр)

Апрел ойи сиз учун осойишта кечади деса ҳам бўлади. Ҳеч қандай оламшумул ютуқлар бўлмагандек, кайфиятингизни бузувчи ёмон ҳолатлар ҳам юз бермайди. Мунажжимларнинг айтишларича, бу ҳолатни ўзгартиришга бўлган харакатингиздан ҳам ҳеч қандай натижа чиқмайди. Гарчи ойнинг биринчи ўн кунлигида бунга имкониятингиз бўлса ҳам. Ойнинг иккинчи ўн кунлигида, иш фаолиятингиз яхшиланиши учун кўпроқ харакат қилишингиз тавсия этилади. Муаммоларингизни ечишда асосан ўз кучингиздан фойдаланишингизга тўғри келади. Уйда ҳам, ишхонада ҳам ҳар хил ориш-жанжаллар ёки ноҳушликларга аралашмасликка ҳаракат қилинг. Ойнинг учинчи ўн кунлигида ишларингиз яхшиланиб кетиши учун имкониятлар туғилади. Улардан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қилинг. Агар бўйдоқ бўлсангиз кўнглингизга маъқул кишингизни сир тутиб юрган бўлсангиз бундан бошқалар ҳам огоҳ бўлишлари мумкин. Ойнинг охирида соғлиғингизга эътибор беришингиз керак.

ЧАЁН (24-октябр - 22-ноябр)

Шароитга қараб тезда йўл топа билиш қобилиятингиз сизга жуда асқотади ва яхшигина маблағга эга бўлишингиз мумкин. Бирор бир қарорга келишда ақл билан иш тутинг. Ҳушёр бўлинг. Уйингизга қайтишда жуда кеч қолмасликка ҳаракат қилинг. Кўча-кўйда, шаҳардан ташқаридаги сафарларда пулингизга эҳтиёт бўлинг. Сабаби, сизни тунаб кетишлари мумкин. Ойнинг ўрталарига бориб, бошқалар сизга ишонмаслиги, сиздан хафа бўлишлари, кайфиятингизни бузишга харакат қилишлари мумкин. Бундай пайтда "Сабрнинг таги олтин",- деган мақолга амал қилиб, жимгина юрганингиз, шароитни тўғри тушунишга харакат қилганингиз маъқул. Апрел ойини яхши кайфиятда, кўтаринки руҳда ўтказасиз. Охирги ўн кунлигида ҳам маблағ томондан аҳволингиз яхшиланади. Ҳаётингизда лаззатли ва қувончли кунлар бўлиб, ўзингизни бахтиёр сезасиз.

ЎҚОТАР (23-ноябр - 20-декабр)

Ишбилармон, тадбиркор бўлсангиз апрел ойида, ҳасадгўйларингиздан, душманларингиздан эҳтиёт бўлиб юринг. Мунажжимларнинг айтишларича, апрел ойининг бошларида ишларингиз жудаям яхшиланади. Ўз-ўзидан кўзлаган мақсадингизга эришасиз. Маблағингизга маблағ қўшилади. Ўзингизни жуда бахтиёр ҳис этасиз. Севги-муҳаббат бобида ҳам муваффақият қозонасиз. Ойнинг иккинчи ярмида иш жойингизда баъзи бир ноҳушликлар бўлмаслиги учун иложи борича барча муаммоларингизни тинчлик билан ҳал қилинг. Сизга муваффақият келтириши мумкин бўлган имкониятни қўлдан бой берманг. Хуллас ишларингиз яхши томонга ўзгариши учун барча имкониятлар борлигини инобатга олинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (21-декабр - 19-январ)

Бу бурж соҳиблари апрел ойида жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Айниқса, апрел ойининг биринчи ўн кунлигида. Бироқ қилган меҳнатингиз унумли, самарали, баракали бўлиб сизни маблағ томондан яхши натижага олиб келади.

Ойнинг иккинчи ўн кунлигида кайфиятингиз бир оз бузилади. Атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлишга интилинг. Кўпроқ вақтингизни уйингизга, оилангизга, яқинларингизга бағишланг. Ҳаётда сиз учун энг муҳими ўз оилангиз эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Ойнинг охирги ўн кунлиги жуда тинч, осойишта ўтади. Барча ўйлаган ишларингизни осонгина бажара оласиз. Хуллас ойни жуда яхши кайфиятда якунлайсиз.

ҚОВҒА (20-январ - 18-феврал)

Ойнинг биринчи ўн кунлиги осойишта кечади. Иккинчи ўн кунлигида мунажжимларнинг айтишича, бу бурж соҳиблари вақтларини кўпроқ оилаларига сарфласалар, ёзги дам олиш ҳақида режалар тузсалар айни муддао бўлади. Уйларни таъмирлаш, ҳовлида, далада ишлаш яхши натижага олиб келади. Кайфиятлари чоғ, руҳлари тетик бўлади. Ойнинг биринчи ва учинчи ўн кунлигида бахт сизга кулиб боқиши мумкин. Сабаби, шу даврда ниманики ният қилиб иш бошласангиз барча режаларингиз амалга ошишига имконият бор. Яқинларингиз ва ҳамкасбларингиз билан яхши муносабатда бўлиб ақл-хушини йўқотмай иш кўриш тавсия этилади. Ўз жинсингиздан бўлмаган таниш-ларингиз билан эҳтиёткорроқ муносабатда бўлинг. Ёки умуман ҳамкорлик қилмай туринг.

БАЛИҚ (20-феврал - 20-март)

Ҳаётингизда унчалик яхши бўлмаган муҳит хукмрон, лекин, сезиларли даражада эмас. Ойнинг биринчи ўн кунлигининг бошида ишларингиз юришмаслиги мумкин. Фақат ўн кунликнинг охирига бориб, нималарнидир бажаришга улгурганлигингизни сезасиз. Ойнинг иккинчи ўн кунлигида ишни жудаям эҳтиёткорлик билан бошланг. Айниқса, ҳамкорликда қиладиган ишларингиз ўнгидан келмаслиги мумкин. Яхшиси бу даврда бир оз бўлмаса-да соғлиғингизни ўйлаб озроқ дам олинг, қариндош-уруғ ва оилангиз даврасида кўпроқ бўлишга харакат қилинг. Маблағ томондан ҳам озроқ қийналиб қолишингиз мумкин. Лекин тушкунликка тушмай, "Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ", - деган мақолга биноан бу кунлар ҳам тезда ўтиб кетишини ўйлаб ўзингизни тинчлантиринг.

"Сабрнинг таги сариқ олтин",- деганларидек апрел ойининг охирларига бориб ишларингиз яхшиланади, хамёнингизга ҳам пул тушади, кайфиятингиз ҳам тоғдек кўтарилади. Мунажжимларнинг тавсияларига кўра бунинг учун албатта қўл қовуштириб ўтириб кутмасдан, ҳаракат ҳам қилишингиз керак. Шунда ҳар бир ҳаракатингиз, меҳнатингиз сизга барака келтириши мумкин.

ТЕМУР
тайёрлади

«Оила ва жамият» газетаси жамоаси таниқли адиб Мақсуд Қориевга рафиқаси

МАРҒУБАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 302. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 22317
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Н. ЙЎЛДОШЕВА.
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДОЛИМОВ.